Нисбатан яқинда дарвда молекуляр технологиянинг ривожланиши бактерияларнинг 16S рДНК дан фойдаланиб БТ спектрларини ўрганиш учун кучли восита бўлди. Сепсисни аниқлаш учун эса ДНК герпринтинг ишлатила бошланди. Бактерияларни қонда аниқлаш беморнинг периферик қонида кўплаб ичакдан БТ сабаблари топилди. Инфекциянинг асосий характеристикаси сифатида, бу сепсис билан боғлиқ БТ кенг тарқалган бўлиши мумкинлигини кўрсатилди ва БТ тушунчаси ҳақидаги тушунчамизни ўзгартиради. Энг муҳими, 16S рДНК таҳлили ёрдамида периферик қондаги бактерияларни ўрганиш учун юқори ўтказувчанлик кетма-кетлиги ва бошқа усуллар қўлланила бошланди. Яқин йилларда оғир ўП билан касалланган беморларда қон ва нейтрофиллар билан боғлиқ бактериал-профилларнинг дастлабки тавсиф қилиниши нашр этилди, бу уларнинг қонда мавжудлиги учун янги далилларни тақдим этади [187;].

Ичак бактериялари оғир панкреатит билан касалланган беморларда ичак тўсиғи функцияси бузилиши эҳтимоли кўпроқ бўлиши мумкин (Mc Naught et al., 2012). Бундан ташқари, панкреатит, айниқса оғир панкреатит,

тизимли эндотоксемияга олиб келиши мумкин. Ичакнинг ўтказувчанлиги оғир ЎП билан касалланган беморларда дастлабки босқичларда ошади ва эндотоксикоз билан корреляцияланади. Бунда грам-манфий микроорганизмлар ООБ некрози ва кейинги сепсиснинг аксарият инфекцияларининг сабаби ҳисобланади. Яқинда БТ оғир ЎП билан касалланган беморнинг қонида 16S рДНК секвенсияси аниқланди. Бактериал ДНК беморлар қонида *Clostridium perfringens* и *Pseudomonas aeruginosa* беморларнинг қон зардобиди аниқлаш имконини берди (de Madaria et al., 2015). Бундан ташқари, *Clostridium perfringens* некротик панкреатитнинг муҳим этиологик агенти сифатида тан олинди. ЎП билан касалланган беморларда транслокацияланган бактериялар асосан ичакдан келиб чиқадиган оппортунистик микроорганизмлардан иборат, жумладан *E.coli*, *Shigella flexneri*, *Enterobacteriaceae*, *Bacillus coagulans* и *Enterococcus faecium* бактериялари.

ЎП билан касалланган беморларнинг бир нечта клиник тадқиқотлари ЎПда ингичка ичак патогенларнинг асосий манбаи эканлиги ҳақидаги назарияни ўз тасдиқини топди [147; 221;].

Шундай қилиб, ингичка ичак инфекцирланган ООБ некрозида ичак бактерияларнинг асосий манбаи бўлиб кўриниши кўрасилди (Fritz ва бошқ., 2020). Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ичакни зарарсизлантириш воситаларини оғиз орқали юбориш БТ ва ундан кейинги ООБ инфекциясини сезиларли даражада камайтириши мумкин, бу эса ўз навбатида ингичка ичакдан БТ пайдо бўлиши мумкин [164;].

Ичак тўсиғининг бузилишидан кейин ичак бактериялари ва эндотоксинларнинг транслокацияси ЎП оғирлашишига ҳисса қўшадиган асосий ҳодисадир. Ингичка ичакдаги бактерияларнинг ортиқча кўпайиши сурункали панкреатит билан касалланган беморларда кенг тарқалган ва бу уларнинг овқат ҳазм қилишига зарар етказади [223;]. Бундан ташқари, [228;] ЎПнинг ўртача оғирлигида антибиотиклар таъсирида ингичка ичакда БТда таъсирида микробиотлар дисбалансини топди. Ичак микроэкологиясининг

бузилиши ЎПнинг кечки босқичларида юзага келадиган ичак инфекциясининг ривожланиши учун муҳим сабабдир. Беморларда ичак флораси мувозанатининг асосий сабаблари бу интерстициал Кахал хужайраларининг ёмон функцияси [253; p. 21-25]. Натижада, беморларда кўпинча ичак ҳаракатининг бузилиши ва паралитик ичак тутилиши билан бирга келади; беморларда кўпинча касалликнинг дастлабки даврида ичак перфузияси етарли бўлмайди ва фаол инфузион терапия ошқозон-ичак трактида ишемия ва реперфузия шикастланишига олиб келади. Ичак ишемиясининг ва реперфузия пайдо бўлиши кўпинча ичак флорасининг бузилиши ва ичак тўсиқ функциясининг бузилиши билан бирга келади [242;]. Ўртача даражада ривожланган ЎП билан касалланган беморларда узок муддатли очлик тавсия қилиниши ўт секрециясининг сезиларли даражада пасайишига ва ичак трактига секрециясига салбий таъсир қилади.

БТнинг йўллари ҳали охиригача аниқланмаган. ЎПда микроорганизмларнинг тарқалишида нисбатан бир неча хил фикрлар мавжуд бўлиб, булардан бири гематоген транслокация, трансперитонеал транслокация, асцит ва лимфоген транслокация, йўғон ичакдан трансмурал транслокация ва ООБ каналига рефлюкс орқали. ЎП пайтида қон, перитонеал суюқлик ва тутқич лимфа тугунлари ичак бўшлиғидан бактериялар тарқалишининг асосий йўллари бўлиши мумкин. Асцитлар ва лимфа тизими БТ учун ўртача ЎП нинг дастлабки босқичларида муҳим канал бўлиши мумкин. Шубҳасиз, ЎПда ичакдан БТ нинг аниқ йўли тўлиқ охиригача аниқланмаган; афтидан кўплаб йўللар мавжуд, аммо ичак тўсиғининг бузилиши барча йўл учун умумий потенциал йўлдир.

ЎПдаги ичак БТ механизми қуйидагича: биринчидан, экологик тўсиқ бузилади ва турли ошқозон-ичак полипептид секрецияси Кахал мезенхимал хужайраларига зарар етказди; шикастланган нейронлари ичакни ичак мотор функциясини камайтиради ва ичак моторикасини ёмонлаштиради, бу ичак бактерияларининг ортиқча ўсишига олиб келади [253;]. Иккинчидан, механик тўсиқ шикастланади ва ичак ўтказувчанлиги ошади. Маҳаллий ва тизимли

бактериал клиренс бузилган ичак микроциркуляциясининг бузилиши туфайли. Актив кислород алмашинуви маҳсулотларининг кўпайиши ичак шиллик қаватининг оксидловчи стрессга реакциясига олиб келади, ичак эпителийларининг апоптози, ичак шиллик қаватининг шикастланиши, ичак шиллик қаватининг ингичлашиши, зич оқсилларнинг экспрессиясининг камайиши ва капилляр ўтказувчанлигининг ошиши. Учинчидан, иммун тўсик бузилади ва секретор иммуноглобулин А нинг даражасининг камайиши; бу ўзгаришлар ичакнинг коллонизацияга қарши курашиш қобилиятини кескин пасайтиради. Юқорида санаб ўтилган учта тўсикдан бири билан боғлиқ муаммо ҳалокатга олиб келиши мумкин. ЎПда сепсис ривожланишининг мумкин бўлган механизми ичак моторикасининг пасайиши, сўнгра маҳаллий микрофлоранинг бузилиши, сўнгра тутқич лимфа тугунларидага, кейин эса узок ҳудуддаги лимфа тугунларга транслокацияси ҳолида кечиши. Бактерия ДНКси ООБ юлдузсимон ҳужайраларнинг пролиферациясига ва миграциясини оширади ва бактериал ДНК шунга ўхшаш рецепторлар орқали яллиғланиши ва ООБ фиброзини бошлаши ва кучайтириши мумкинлигини кўрсатади. Яқин йилларда аниқландики ЎП учун бошлаш иммун жавоб Т-хелпер 17 томонидан ҳосил бўлиши аниқланди [183;].

Панкреонекрозда некробиоз ва калликреин-кинин тизимининг фаоллашиши натижасида ООБ ва лизосомал ферментларнинг, биологик фаол моддаларнинг, ООБ парчаланишининг токсик маҳсулотлари оммавий равишда қонга тушиши натижасида жигар панкреатоген токсемия учун асосий "нишон -орган" га айланади. Энзиматик эндотоксемия - гепатоцитларнинг шикастланишига ва структурасининг ўзгаришига олиб келади. Гепатоцитларда ДНК синтези бузилади, уларнинг пролиферацияси қайд этилади, гликоген миқдори камаяди, гепатоцитларда метаболизм блокадаси содир бўлади.

Жигарнинг асосий функциялари бузилади: пигмент синтез қилувучи, оқсил синтез қилувчи, углевод, протромбин ҳосил қилувчи; сув-электролитлар мувозанатини тартибга солиш ва жигар функциясининг

гемокоагуляция даражаси, ЎП нинг оғир деструктив шаклларида аниқроқ намоён бўлади .

Оғир ООБ некрозида пигмент ҳосил қилувчи функция, унинг синтез жараёнлари ва ўт секретациясига кескин таъсир қилади. Холестааз ҳодисалари жигар дисфункцияси ривожланишининг унинг етишмовчилигининг дастлабки белгиларидир.

Панкреанекрозда кузатилган сариқлик кўпинча ООБ некрозининг оғирлигини ва жигар-хужайра етишмовчилиги ривожланишини билдиради.

ООБ некрозидаги холестааз, сариқлик ва ўт ўтишининг бузилиши, шунингдек, холедохнинг терминал қисми ва катта ўн икки бармоқли ичак папилласининг ООБ боши томонидан сиқилиши, унинг шишиши туфайли юзага келиши мумкин. Гипопротеинемия ва гипоалбуминемия, функционал жигар етишмовчилигининг асосий белгиларидир. Панкреанекрозда жигар функциясининг бузилиши билан протромбин синтезининг бузилиши кузатилади, бу албумин ва К витамини ишлаб чиқаришнинг сезиларли бузилиши билан жигар хужайраларининг оксил-синтетик функцияси билан боғлиқ. Бу коагуляция ва антикоагуляция тизимларининг бузилишига олиб келади [233;].

АЛТ ва АСТ ферментларнинг фаоллиги ООБ некрозида жигар дисфункциясининг диагностикаси ва прогнозиди кескин ўзгаради. Аминотрансферазларнинг фаоллиги ва қон зардобидидаги билирубин даражаси ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўртасидида кузатилган ва тасдиқланган корреляция жигар шикастланишининг жиддийлигининг дастлабки белгиларидир.

## **§1.6. Интенсив консерватив терапиянинг панкреанекрози даволашда аҳамияти ва унинг касаллик натижаларига таъсири**

Ўтган ўн йилликлар давомида ЎП даволаш тактикаси муҳим ўзгаришлар рўй берди. ЎП нинг токсик босқичида жарроҳлик даволаш, некротик ўзгарган тўқималарнинг тирик тўқималардан аниқ фарқ қила



олмаслик, операция жарёнида катта қон йўқотиши ва дренаж орқали иккиламчи инфекциянинг кўшилиши сабабли касалликнинг токсик босқичида оператив даволаш ўлим даражаси 80% оширди ва шу туфайли ўзини оқламади. Асептик некроз даврида беморларда операциялар ретроперитонеал бўшлиқнинг иккиламчи инфекцияси билан зарарланиши касалликнинг кечишини ёмонлаштиради. ЎП билан касалланган беморларда ретроперитонеал тўқималарнинг кенг тарқалган асептик некрозида консерватив даволаш ва жарроҳлик даволашдан кўра юқори эффективлиги шубҳасиз афзалликларини кўрсатади. Агар ООБ нинг хатто тотал асептик некрозида консерватив даво беморларни даволашга имкон берса, токсик фазадаги операциялар деярли 100% ҳолларда ўлим билан тугайди [59; 72; 77; 79; 87; 98].

Илгари, ООБ некрозини даволаш қандли диабет фонида қийин бўлган ва кўрсатадиган ёрдам эффективлиги паст тахмин қилиб эрта жарроҳлик аралашувга кўрсатма деб, аммо бундай беморларни жарроҳлик даволашнинг муваффақиятсизлиги ва ижобий консерватив даво натижалари бизни эрта операциялардан воз кечишга ишонтирди.

ООБ ўткир яллиғланиши даволаш ҳажми ва давомийлиги, беморнинг қабул қилингандаги аҳволининг оғирлигига, касалликнинг оғирлик прогнозига, морфологик ўзгаришларнинг хусусиятларига, бирга келадиган касалликларнинг мавжудлиги ва кечишига боғлиқ [43; 229;].

Консерватив чора-тадбирлар мажмуасига, оғриқни бартараф этиш, марказий гемодинамика ва периферик қон айланишини тузатиш, ООБ секретор фаоллигини пасайтириш, энтерал етишмовчиликни коррекция қилиш, детоксификацион терапия, қон плазмаси таркибини ва ички органларнинг функционал етишмовчилигини тузатиш, йирингли жараёнларнинг олдини олиш, овқатланиш ва метаболик ёрдам.

Микроциркулятор бузилишларини коррекция қилиш ЎПнинг эрта босқичини, фермент токсемиясини даволашда муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда кичик молекули декстранлар ва антиагрегантлар

қўлланилади. Томир ичидаги суюқлик ҳажмини тезда тиклаш ва сақлаш ЎП ни даволашда самарали чоралардан бири бўлиб қолмоқда. Суюқликлик реанимацияси, кислород етказиб беришни ва интенсив терапиянинг яхшиланиши беморларнинг дастлабки гиповолемик шок ва ўткир буйрак етишмовчилигини олдини олишда катта хизмат қилади. Энг муҳими ривожланадиган эрта полиорган етишмовчилиги ва ўлим даражасини оширади [157; 217;].

Парентерал ва энтерал озиқлантиришни таққослайдиган клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, энтерал озиқлантириш яллиғланиш реакциясини, касалликнинг оғирлигини ва ЎПда септик асоратларни камайтиради. Шу сабабли энтерал озиқлантириш ЎП билан касалланган беморлар учун афзал усулига айланди. Энтерал озиқлантиришнинг энг фойдали формуласи ҳали аниқланмаган, аммо иммуностимуляция қилувчи моддалар (масалан, глутамин, аргинин ва омега - 3 ёғ кислоталари) билан бойитилган энтерал озуқалар панкреатит билан касалланган беморларда ётоқ кунларини ва йирингли асоратларни камайтириши мумкин. Бироқ, парентерал озиқланиш ўзларининг тўлиқ протиеин ва калория талабларини, энтерал равишдаги каби қондира олмайди. Бундай ҳолларда ичак шиллик қаватини ҳимоя қилиш мақсадида кам миқдордаги энтерал парҳез талаб қилинади [222;]

Некротик ООБ нинг ичак ичи бактериялари билан инфекцияланиши клиник натижани белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ичак моторикасини (перисталтикасини) тиклаш орқали микрофлоранинг ортиқча ўсишини камайтириш бу бактериал транслокацияни камайтиради ва ЎПнинг даволаниш натижасини яхшилайдди.

Муҳими, ООБ тўқималарида даволаш концентрациясига этадиган кенг спектрли антибиотик. Имипенем энг кенг қўлланилади антибиотик, чунки у панкреатик инфекцияни ва ўлимни камайтириши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ўткир некротик панкреатитда жарроҳлик аралашувга бўлган эҳтиёжни ва жиддий органлар асоратларининг умумий сонини камайтиради.

Ҳозирги вақтда некротик панкреатит ташҳиси қўйилгандан кейин 2-4 ҳафта ичида имипенем буюриш тавсия этилади [203;].

Антибиотик профилактикасининг чидамли ва массив кўпайиши мумкин бўлган замбуруғ инфекциялари ҳақида хавотирлар билдирилди. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ООБ инфекцияларининг 24% замбуруғлар сабаб бўлади, аммо уларни назорат қилиш осон. Мавжуд далилларга асосланиб, кўплаб даволаш ва илмий марказлар, ичак микроорганизмлари билан иккиламчи инфекцияларни камайтириш учун оғир ЎП ни даволашда эрта антибиотик профилактикаси кўрсатилган деб ҳисоблашади. Бироқ, панкреатитнинг унчалик оғир бўлмаган шаклларида унинг роли ҳақида ҳали ҳам баҳс мунозаралар мавжуд.

Бир қатор истиқболли тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сезиларли оксидловчи стресс симптомлар бошланганидан кейин 48 соат ичида содир бўлади ва бу ЎПнинг оғирлиги билан боғлиқ. Антиоксидант химояни кучайтириш фойдали бўлиши керак, айниқса реанимация пайтида, реперфузия шикастланиши хавфи мавжуд бўлганда. ЎПда антиоксидант терапия рандомизацияланган назорат остида клиник синовда расмий равишда баҳоланиши ва тавсия қилиниши керак. Ҳайвон моделларида панкреатит натижаси яхшиланди антиоксидантлар n-ацетилцистеин, мелатонин, лазароид, ва Таурин ўз ичига олади. Маннитол ва фолевий кислота билан бирга тажрибада қорин бўлиғи артериал қон оқими перфузияни яхшилаш билан бирга қўллаб-қувватлаш оғир беморларда эндотоксикоз частотасини камайтирди. Вена ичига лидокаин, витамин С, селен, полимиксин В қўшиш (эндотоксин даражасини пасайтиради), шунингдек глутамин, ацетилсистеин энтерал киритиш ўлимни ва беморларнинг интенсив терапия бўлимларида қолишини пасайтирди.

Даволашнинг дастлабки босқичида оғриқ синдромини бартараф этиш учун нонаркотик аналгетиклар (аналгин, баралгин, кетонал ва бошқалар.) ишлатилади. Холиномиметиклар катта дуоденал сурғич (КДС) функциясига огоҳлантирувчи таъсир кўрсатади. КДС спазмини бартараф этадиган

тўғридан-тўғри миолитиклар (но-шпа) ҳам оғриқни камайтириши мумкин. Аналгетик таъсирга қўшимча равишда, перидурал блокада динамик ичак тутилиши ҳодисаларини бартараф этишга ёрдам беради. ЎПнинг замонавий терапиясида соматостатин ва унинг аналоглари сандостатин ва октреотиднинг ООБ секрециясига ингибиторлари таъсири кенг қўлланилади [26; 29; 32; 55; 63;].

ЎПни анъанавий даволашда ичакларга кам эътибор берилади ва натижада касалликнинг оғирлиги ошиши мумкин. Муҳокама қилинганидек, эрта даврдаги суюқлик реанимацияси қорин бўшлиғи аъзолари гипоперфузиясини енгиб ўтмаслиги мумкин ва аксинча агрессив реанимация реперфузияни шикастлантиришини кучайтириши мумкин. Инотропик қўллаб-қувватлаш ичак функциясини янада бузиши мумкин ва беморнинг қисқа вақт ичида ҳам овқат истеъмол қилмаслиги яъни очлик диетаси энтероцитларнинг кипикланишига, ворсинкаларнинг атрофиясига ва ичак ўтказувчанлигининг ошишига олиб келади. ЎПда ичакнинг роли тўғрисида пайдо бўлган далилларни ҳисобга олган ҳолда, ичакнинг структуравий яхлитлигини ва функционал бутунлигини сақлашга қаратилган бошқарувни қайта кўриб чиқиш керак. Хусусан, ичак ишемиясини бартараф этиш учун етарли реанимация чоралари, реперфузия шикастланишини, ичак тўсиғининг йўқолишини камайтириш, гепатопротекция билан бирга энтеропротекция учун қўшимча чоралар ва дори дармонлар зарурлигини тан олиш керак [164;].

ЎПнинг патофизиологияси Триггерлар, яллиғланиш каскадлари ва маҳаллий ва тизимли оқибатларнинг мураккаб ўзаро таъсирини ўз ичига олади. ЖЦ бўлган беморларда ушбу икки ҳолатнинг ўзаро таъсири мураккаб клиник кўринишларга олиб келиши ва натижаларни ёмонлаштириши мумкин. Ушбу асосий механизмларни тушуниш ЖЦ шароитида ЎПни самарали даволаш учун диагностик ва даволаш ёндашувларни мослаштириш учун жуда муҳимдир. Кейинги бобларда ушбу қўшма ҳолатга хос диагностика муаммолари ва уни ҳал қилиш учун ишлатиладиган даволаш

стратегиялари батафсил муҳокама қилинади.

## **II БОБ. ЎП ва ЖЦ ФОНИДА КЕЧАЁТГАН ЎП БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ КЛИНИК, ЛАБОРАТОР ВА ИНСТРУМЕНТАЛ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ**

ЎП ва ЖЦ - икки оғир ҳар хил касаллик, аммо мураккаб касаллик бўлиб, индивидуал равишда диагностика ва даволашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. ЎП ошқозон ости безида юзага келадиган ва кўпинча ўт тошлари, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ёки инфекциялар каби омиллар сабаб бўлган ўткир яллиғланиш жараёнини англатади. Бошқа томондан, ЖЦ турли хил этиологияларнинг сурункали жигар шикастланиши, жигарнинг фибрози ва циррози билан кечади. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, вирусли гепатит ва алкогольсиз ёғли жигар касаллиги туфайли жигар тўқималарининг кенг фибрози ва чандиқлари билан тавсифланади.

ЖЦда жигар функциясининг бузилиши метаболизм ва дори моддаларининг клиренсининг ўзгаришига (бузилишига) олиб келиши мумкин. ЎПни даволашда ишлатиладиган кўплаб дори моддалари жигарда метаболизмланади ва уларнинг фармакокинетикасига жигар фаолияти бузилиши таъсир қилиши мумкин. Бу ЖЦ ва ЎП билан оғриган беморларда дори дозалари ва потенциал дори таъсирини диққат билан кўриб чиқишни талаб қилади.

### **§2.1 ЖЦ фонида ЎП бўлган беморларнинг клиник ва лаборатор хусусиятлари**

ЖЦ фонида келган ЎПнинг клиник кўриниши касаллик белгиларидан алоҳида ажратиш қийин ҳисобланган белгилар ва симптомларнинг мураккаб комбинацияси кўринишида келиши мумкин. ЖЦнинг мавжудлиги ЎПнинг классик клиник кўринишини ўзгартириши ниқоблашиши, ва энг асосийси оғирлаштириши мумкин, бу эса тиббиёт мутахассисларига ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини танлашда қийинчилик туғдириши аниқ ҳисобланади.

"ЎП" ташхиси қуйида келтирилган учта белгидан камида иккитаси аниқланганда қўйилади:

- 1) ЎПга хос бўлган қорин оғриғи;
- 2) норманинг юқори чегарасига нисбатан қондаги липаза ёки қондаги амилаза даражасининг 3 баравар ошиши;
- 3) ултратовуш ва контрастли КТ, МРТ пайтида характерли белгиларни аниқлаш.

Касалликнинг бошланиш вақти одатдаги қорин оғриғи пайдо бўлиш вақти деб ҳисобланади.

ЎП ташхиси шикоятлар, анамнез, клиник - лаборатор ва инструментал. Беморларда эпигастрал соҳасидаги оғриқлар, кўнгил айниш, қусиш I ва II гуруҳда ҳам 100% ҳолларда содир бўлганлиги аниқланди, ўнг коворға равоғи остидаги кучли оғриқ, мос равишда 26(21,6%), 45(35%); эпигастрал ва ўнг коворға равоғи остидаги мушаклар таранглиги мос равишда 54(45%), 60 (47%); қорин парда яллигланиш симптоми 17(14%), 25(20%) ривожланган; тери ва склера сариқлиги 5(4,2%),15(12%); спленомегалия 25(21%), 121(95%); асцит - 32(25%) фақат II гуруҳ беморларда; қорин олд девори тери ости веналаринг варикоз кегайиши - 10(12,8%) фақат II гуруҳ беморларда; қориннинг визуал кенгайишига мос равишда 10(12%), 35(45%) беморларда ичак парези ва асцит ҳолати кўрилади. Қолган умумий симптомлар кичик клиник хусусиятларга ва частотага эга эди. (жадв. 3.1.)

I - гуруҳ яъни ЖЦ ва ЎП бор беморларда кўзга кўринадиган ҳолатларда шуни таъкидлаш мумкинки, ЎП нинг сабаб сифатида 45(35%) беморда ўт йулларидаги тошлар, I – гуруҳ беморларда эса фақатгина 26(21,6%) беморда ЎП га ўт тошлари сабаб бўлганлиги аниқланди. Асосий гуруҳ беморларида қарийб 2 баравар кўпроқ аниқланди.

Бир томондан бу ЖЦ бор беморларда ўт тошларининг пайдо бўлиши юқорилиги бўлса, иккинчи томондан асосий гуруҳ беморларида МРПХГ

текширишларининг барча беморларда қилиниши сабабли ўт тошларининг аниқланиши юқори бўлди.

### 3.1-жадвал

#### Текширилган I-II гуруҳ беморларнинг клиник белгилари

Симптомлар	Гуруҳлар	
	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)
Ўткир эпигастрал сохада оғриқ	120 (100%)	128 (100%)
Ўнг қовурға равоғи остидаги кучли оғриқ	26 (21,6%)	45 (35%)
«Воскресенский» симптоми	78 (65%)	92 (72%)
Эпигастрал ва ўнг қовурға равоғи остидаги мушаклар таранглиги	54 (45%)	60 (47%)
Шеткин-Блюмберг симптоми ижобий	17(14%)	25 (20%)
Кўнгил айнаши, қусиш, диспепсия	120 (100%)	128 (100%)
Ҳолсизлик, безовталиқ	108 (90%)	121 (95%)
Тери ва склера сариқлиги	5 (4,2%)	15 (12%)
Спленомегалия	25 (21%)	121 (95%)
Тана ҳароратининг кўтарилиши	44 (37%)	80 (62%)
Асцит	-	32 (25%)
қорин олд девори тери ости веналарининг кенгайиши	-	10 (12,8%)
қорин дам бўлиш (шиши)	10 (12%)	35(45%)

Бу эса ўз навбатида даволаш тактикасини танлашга ёрдам берди. II – гуруҳ беморларида холедохолитиаз сабабли ва жигар тўқимаси функционал



бузилишлари натижасида келиб чиқган паренхиматоз сариклик ҳолатлари ҳам юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Бунда назорат гуруҳида 5(4,2%) та беморда (барча беморлар холедохолитиаз сабабли) ва асосий гуруҳда 15(12%) та беморда сариклик синдроми ривожланди. Сариклик ривожланиш ҳолатлари асосий гуруҳ беморларида назорат гуруҳига нисбаттан 3 баравар кўп ривожланди.

Ўтказилган МРПХГ текширувлари асосий гуруҳ беморларининг аксариятида 121(95%) спленомегалия, 32 (25%) да асцит болигини, ЖЦ турли босқичларида ривожланиши ва портал гипертензия сабабли ривожланганлиги аниқланди.

Визуал текширганимизда асосий гуруҳнинг беморларни 10(12,8%) қорин олди деворида кўзга кўринадиган териости вена томирларининг кенгайишлари, қориннинг асцит ва ичаклар парези сабабли беморларнинг 35(45%) тасида қориннинг дам бўлиши аниқланди. Назорат гуруҳ беморларнинг фақат 10(12%) тасида касалхонага келган куни қориннинг дам бўлиши кўзга кўринди ( 3.1-жадвал).

Беморларнинг аҳволининг оғирлиги иккинчи гуруҳ беморлари орасида кўпроқ намоён бўлди ва касалликнинг прогнози нуқтаи назаридан касалликнинг прогностик омили сифатида ҳал қилувчи ҳисобланади.

ЎП замонавий тиббий ва диагностика технологияларини ривожлантиришнинг асосий пойдевори ва муттахасислар томонидан тан олинган ва кенг тарқалган, қўллаб-қувватланган классификация бу “Атланта -2012” таснифидир.

Ушбу тасниф ва халқаро консенсус таърифига кўра, ЎПнинг оғирлиги қуйидаги уч даража сифатида белгиланади: энгил ЎП, ўрта оғир ЎП ва оғир ЎП.

Биз ўз ишимизда фақат ўрта оғир ва оғир даражали ривожланган ЎП билан касалликларни олдик, чунки касалликларнинг 70% яқин ҳолларда энгил ҳолат 24-48 соатда тузалиб кетади.

Ушбу классификация бўйича ҳар иккала гуруҳ беморлари ЎП оғирлик даражасига қараб келган куни гуруҳларга бўлинди. Бунга асосан ўрта оғирликдаги беморлар назорат ва асосий гуруҳларда мос равишда 105(87,5%) ва 108 (84,4%) ташкил қилди, оғир ҳолатда келган беморлар назорат ва асосий гуруҳларда мос равишда 15(12,5%) ва 20(15,6%) ташкил қилди. Текширишга олинган иккала гуруҳ беморларнинг 213 таси яъни 85,6% ўрта оғирликда ва 35(14%) оғир даражада касаллик давом этди (жадвал 2.3). Лекин динамикада текширилганда, беморларнинг ахволининг ўзгариши ҳар иккала томонга силжий бошлади. Бу текширишларда алоҳида Биз томонимиздан эътибор, асосий гуруҳдаги беморлардаги йўлдош касаллиги ҳисобланмиш ЖЦ нинг беморларнинг касаллик кечишига таъсири ўрганилди.

ЎП ривожланишида патологик жараённинг бир неча босқичларидан ўтади. Касалликнинг тарқалиши ва инфекциянинг тарқалишига қараб, бемор ахволининг оғирлиги ҳам ўзгаради. ЎП билан касалланган беморларнинг ахволининг оғирлигини баҳолаш ташхис қўйиш ва касалликнинг прогнозини аниқлашда даволашнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг асосий роли, беморларни қабул қилинган пайтдан бошлаб интенсив даволашга муҳтож бўлган беморларни аниқлаш, даволаш тактикасини танлаш ва зарур бўлган касалликни тўхтатиш чораларини аниқлашдан иборат. Биринчи босқичда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш, беморни жарроҳлик шифохонасига ётқизишда олинган клиник маълумотларга асосланади ва уларнинг органлар системалари касалликлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳам ҳисобга олинади. Беморларга бу турдаги ёндашув касалликнинг кечишини енгил, ўрта оғир ва ёки оғир деб ажратишга имкон беради.

ЎП нинг оғирлигини баҳолаш касалликни ташхислаш ва даволашнинг муҳим қисмидир, чунки кейинги тактикалар, аралашув доираси ва натижанинг прогнози вазиятнинг оғирлигини тўғри аниқлашга боғлиқ. ЎПни даволаш пайтида беморнинг аҳволи ўзгаради ва шунинг учун биз даволаниш босқичларида касалликнинг турли даражадаги оғирлиги ҳақида гапирамиз.

Шунинг учун беморнинг аҳволининг оғирлигини баҳолаш усули, беморнинг динамикадаги ҳар қандай аҳволидаги ўзгаришини осонгина аниқлаши керак. Касалликнинг оғирлигини баҳолашда клиник ва лаборатория натижалар таҳлил қилишга асосланган шкалалар бўлиб, бу касалликнинг натижасини ва йирингли-септик асоратларни ривожланишини башорат қилишнинг аниқлигини оширишга имкон беради.

Беморлар касалхонага мурожаат қилган пайтда, беморларнинг назорат гуруҳига кирган беморларнинг 90 (75%) ва II - асосий гуруҳ беморларнинг 91 (71%) ЎП нинг шишли формаси ривожланди. Жами икала гуруҳда шишли форма 181 (73%) ташкил қилди. Беморларни танлашда ЎП енгил формалари ва 48 соат ичида касаллиги регрессга учраган беморлар киритилмади. Назорат гуруҳ беморлари қабул қилинган стандарт бўйича даволанди. Асосий гуруҳ беморларида ЖЦ борлиги ва уни коррекция қилиш ва асоратларни камайтириш мақсадида гепатопротекторлар (Глутатион, Ремаксол, Улинастатин) ва энтерал озиқлантириш Нутрикомп Стандарт (В. Braun фирмаси) энтерал озиқлантириш стандар даволаш билан бир қаторда тавсия этилди.

Иккала гуруҳ беморларида, даволаш жараёнида, лаборатор текшириш усуллари, касалликнинг ривожланиши беморларнинг шикоятлари, инструментал текшириш (МСКТ, МРТ, УТТ) усулларида кенг фойдаланилди. ЎП шишли формасидан кейинги трансформацияси гуруҳлар бўйича куйидагича кечди.

Назорат гуруҳида иккинчи ҳафтада стерил панкреонекроз 18(15%), асосий гуруҳда 15(12,5%) ташкил қилган бўлса, жами иккала гуруҳда 33(13,3%) ташкил қилди. Инфицирланган панкреонекроз ЖЦ бўлмаган биринчи гуруҳда 12(10%) ташкил қилган бўлса, асосий ЖЦ бор беморларда 22 (17,2%) ташкил қилди. Жами икки гуруҳда 34(13,7%) ташкил қилди (3.2-жадвал).

Ушбу гуруҳда кўзга кўринадигани шуки, асосий гуруҳ беморларида касалликнинг 2-3 ҳафталаридан бошлаб инфицирланиш ҳолати, назорат

гурухи гуруҳидаги инфицирланишга нисбаттан қарийб 2 баравар ортиқлиги (10% нисбаттан 17,2% жадвал 3.2.) кўзга кўринди. Ушбу ҳолат ўткир деструктив панкреатит сабабли (ЎДП) ЖЦ фонида ривожланган ёки активлашган жигар етишмовчилиги, ичак етишмовчилиги натижасида бактериал транслокация ривожланиши ва шу сабабли инфицирланган ҳолатларнинг кўпайиши сабаб бўлди. Ушбу маълумотлар қуйидаги бобларда келтирилган.

### 3.2-жадвал

#### Назорат ва асосий гуруҳларидаги беморларда ЎП нинг формалари бўйича учраши

Формалар	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)	Жами
Шишли	90 (75%)	91(71%)	181(73%)
Стерил панкреонекроз	18(15%)	15(11,7%)	33(13,3%)
Инфицирланган панкреонекроз	12(10%)	22 (17,2%)	34(13,7%)
<b>Жами</b>	120(100%)	120(100%)	248(100%)

Асосий гуруҳ беморларнинг 48(37,5%) дан ортиғи жарроҳлик шифохонасига ётқизилган пайтда анамнездан жигар касалликлари билан касалланганлигини билмаган. Ушбу беморлар клиник, инструментал ва лаборатор текширишлар натижасида ЎПга хос бўлган шикоятлар билан муурожаат қилган бўлсада йўлдош касаллик сифатида ЖЦ ташхиси қуйилган.

Биз муассасамизга қабул қилинган ЖЦ билан оғриган беморларда ва циррози бўлмаган беморларда ЎП натижаларини солиштириш учун ретроспектив тадқиқот ўтказдик. ЖЦ ҳам кичик гуруҳларга бўлинган: компенсацияланган цирроз ва декомпенсацияланган циррозларга ажратдик.

### 3.3-жадвал

#### I- гуруҳ беморларнинг ЖЦ да жигар шикастланишининг табиати бўйича тақсимланиши (n=128)

Касаллик характери	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан (n=128)
ЎП+ЖЦ компенсациялашган	32(25%)
ЎП+ЖЦ декомпенсациялашган	96(75%)
Жами	128(100%)

Асосий гуруҳ беморларида жигар функционал фаолиятини яхшилашга қаратилган даво муожалари ўтказилишига қарамасдан беморда инфирцирланиш ҳолати ва унга хос бўлган клиник кечинмалар бошланди. Бу ҳолат асосан ЖЦ декомпенсациялашган беморларда яъни Чайлд-Пью бўйича В ва айниқса С класс 96 бемордан беморларда 22 (17,2%) ривожланди. Чайлд – Пью А класс баҳоланган беморларда инфирцирланиш даражаси кузатилмади( 3.3-жадвал).

Назорат гуруҳ беморларда инфирцирланиш ҳолати 12(10%) беморларда ривожланди.

ЎП билан касалланган беморларда ЖЦ ташхисини кўйишдаги қийинчиликлар асоси шундаки, жигар патологияси кўп ҳолларда клинико-биохимик томондан, қон таҳлилларида, кўп ҳолларда жигардаги патологик ўзгаришлар яққол билинмайди. Фақат ЖЦ, асосий касалликнинг оғирлашиши натижасида, жигар етишмовчилигининг (ЖЕ) активланишидан кейин кўзга кўринади. Кўпинча бу ҳолатлар ЎПда деструктив жараёнларнинг кучайиши, асоратлар ёки механик сариқлик (МС) каби операция учун умумий огриксизлантиришда ишлатиладиган наркоз препаратларнинг жигар фаолиятига салбий таъсири натижасида кескин ривожланади.

Иккала гуруҳ беморларида қондаги амилаза ферментининг кўплиги камида 2-3 баравар юқорилиги кузатилди. ЎПнинг ЖЦ фониди ривожланганида, қон таҳлиларида аминотрансферазаларнинг ўртача 4

мартагача ўсишини, билирубин кўрсаткичларининг етарлича ошиши ва жигарнинг оқсил синтезидаги диспротеинемия белгилари аниқлади. Асосий гуруҳ беморларида ошқозон ости безида деструктив жараёнларининг ривожланган сари қонда мочевино ва креатинин концентрациялари ҳам сезиларли даражада ошиб борди (3.4-жадвал).

Ўт тош касаллиги (ЎТК) жуда кенг тарқалган касаллик бўлиб, умумий аҳолига қараганда ЖЦ бўлган популяция беморларда кўпроқ учраши исботланган.

### 3.4-жадвал

#### Текширилган иккала гуруҳдаги беморларда 1-чи кундаги умумий қон таҳлили натижалари (n=248)

Кўрсаткичлар	нормада	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)
Гемоглобин г/л	Э-130-160 А-120-140	115,2± 5,0	95,4 ±2,0
Эритроцитлар 10 <sup>12</sup> / л	Э-4,0-5,0 А-3,9-4,7	3,55± 0,2	2,5±0,2
Лейкоцитлар 10 <sup>9</sup> / л	4,0-9,0	10,2± 0,5	9,0 ±0,6
тромбоцитлар / л	180-320	240±8,0	170 ±6,0

Эслатма: жадвалда нормага нисбатан ишончли маълумотлар кўрсатилган - \* (p < 0.05)

Алкогол этиологияли ЖЦ ҳолатлар, цирроз литогенезни кучайтириши мумкин бўлса-да, ЖЦ бор беморларда жигар функциясининг ёмонлашиши, ўт суюқлигининг биокимёвий муҳитини ўзгартиради. Бошқа физиологик ўзгаришлар билан биргаликда, эритроцитларнинг кўп миқдорда парчаланиши натижасида, пигментли (қора) тошларнинг шаклланишига олиб келади.

Шунингдек, ЖЦ ҳолатида портал гипертензиянинг ривожланганлиги,

спленомегалиянинг борлиги, эритроцитларнинг кўплаб парчаланишига олиб келади, бу эса ўт суюқлигининг химик ва физик хоссаларини ўзгартириб пигментли тошларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Қизил қоннинг умумий таҳлили ўтказилди, ЎП билан асосий гуруҳдаги беморларда, назорат гуруҳидаги беморларга нисбаттан эритроцитлар ва гемоглобин миқдори пастлиги кўринади. Асосий гуруҳда гемоглобин  $95,4 \pm 2,0$ ; эритроцитлар  $2,5 \pm 0,2$ ; тромбоцитлар сони  $180 \pm 6,0$  бўлди (3.4-жадвал).

Умумий қон параметрларида лейкоцитлар таҳлил қилинганда, лейкоцитоз томон силжиш қайд этилди, чунки ЎПда яллиғланиш жараёни ўсиши ва асоратларнинг юзага чиқиши сабаб бўлди, асосий гуруҳда  $9,0 \pm 0,6$  назорат гуруҳида  $10,2 \pm 0,8$  гача кўрсаткичларга эга бўлди. Жигар функцияси бузилган гуруҳда ҳам тромбоцитопения  $170 \pm 6,0$  кузатилди, бу клиник жиҳатдан теридаги қон талашларнинг ва кўкаришлар пайдо бўлиши билан намоён бўлди.

### 3.5жадвал

#### Иккала гуруҳдаги беморларда 1 - чи кундаги биокимёвий параметрлар (n=248)

Кўрсаткичлар	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)
Билирубин умумий ммол/л	$21,4 \pm 0,7$	$32,0 \pm 1,6$
Билирубин боғланган ммол/л	$11,8 \pm 0,42$	$17,8 \pm 0,8$
АЛТ Ед/л	$42,3 \pm 6,4$	$132,3 \pm 11,2^*$
АСТ Ед/л	$46,4 \pm 4,0$	$98,8 \pm 16,4^*$
Оқсиллар г/л	$75,4 \pm 0,8$	$70,2 \pm 1,0$
Мочевина ммол/л	$6,3 \pm 0,3$	$8,8 \pm 1,25$

Креатинин мкмоль/л	110 ± 5,7	115 ±10,2
Амилаза Ед/л	660 Ед/л	720 Ед/л
тромботест	IV-V	IV
ПТИ (%)	95,0±2,1	75,8±1,5

*Эслатма: жадвалда ишончли маълумотлар мавжуд, аммо нормага нисбатан - \* ( $P < 0.05$ )*

Асосий гуруҳ беморларида жигар функциясининг чуқурроқ депрессияси гипербилирубинемия, трансаминаза даражасининг ошиши, албумин микдорининг камайиши, гиперазотемия, тромботеста ва протромбин индексининг пасайиши билан тавсифланган (3.5-жадвал).

Асосий гуруҳдаги беомрларда ЖЦ аниқланиш 48(37,5%) беморларда УТТ ташкари МРПХГ текширувининг кўшимча равишда бажарилганда аниқланди.

Белгиланган қон таҳлилиларини баҳолаганда: гемоглобин ва эритроцитлар даражасининг пасайиши ЖЦ бўлган беморларда жигар функционал бузилиши Чайл-Пью А ва В классларда кам ривожланган диспротеинемия борлиги, Чайл-Пью С да бу кўрсаткичларнинг пасайиши янада яққол кўринди. Билирубин, трансаминазалар, диспротеинемия билан тимол пробаларининг ошишининг кўпайиши, тромботест ва протромбин индексининг пасайиши аниқланди.

Назоратдаги беморларни даволашда динамикада суткалар бўйича умумий қон таҳлиллари, биокиёвий текширишлар олиб борилди ва даволаш натижалари таҳлил қилиб борилди. Ушбу маълумотлар кейинги бобларда айтиб ўтилди.

Бизнинг тадқиқотларимиз маълумотларини таҳлил қилгандан сўнг, биз ЖЦ билан касалланган беморларда клиник аломатлар турлича фарқ қилишини аниқладик: кўнгил айниши, қусиш, диспепсия, тери ва склера



сариклиги, спленомегалия, ҳолсизлик, безовталиқ, тана ҳароратининг кўтарилиши, асцит, қорин олд девори тери ости веналарининг кенгайиши, қорин дам бўлиш (шиши) ҳолатлари кузатилади.

ЖЦ Декомпенсация босқичида - ЎП нинг ёрқин клиник белгилари ва ЖЦнинг ўзига хос яққол ривожланган белгилари билан тавсифланади. ЎТК учун ушбу моиллик қилувчи омилларга қўшимча равишда, ЖЦ билан боғлиқ тизимли ўзгаришлар ва маҳаллий анатомик асоратлар, ушбу беморларда анестезиологик хавф ва операция олди асоратларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ЖЦ фонида ривожланган ЎП ва унинг билиар асоратларини даволаш мураккаб вазифа ҳисобланади.

Жигарда патологик ўзгаришларнинг клиник ва биокимёвий қон параметрлари яққол ривожланмаслиги мумкин. ЖЦнинг прогрессив оғирлашиши клиник белгиларининг ривожланишига ва биокимёвий параметрларининг ўзгариши олиб келади.

Асосий гуруҳдаги беморлар МРПХГни қуйидаги натижаларни берди.

Асосий гуруҳда 48(37,5%) бемор ЖЦ борлигидан хабардор эди, 80(62,5%) беморларда биринчи марта жигар паренхимасининг ҳар хил даражадаги ўзгаришлари аниқланди.

II гуруҳдаги беморларда ултратовуш ва МРПХ текширишининг ўтказилиши ва хулосаси: спленомегалия 121(95%) беморда борлиги аниқланди.

ЖЦга шубҳа қилинган ҳолларда МРПХГ дан фойдаланиш ўт йўлларида илгари ултратовуш ёрдамида аниқлаб бўлмайдиган кичик ва кўп ўт тошларини аниқлаш имконини беради.

Юқоридагилар шуни кўрсатадики, ЖЦ фонида ЎП бўлган беморларда кўп ҳолларда қон таҳлиллари ҳамма вақт ҳам тўла қонли маълумот бермаслиги мумкин. Фақат ЖЦ даги прогрессив оғирлашганда жигарнинг биокимёвий параметрларининг ўзгариши қайд этилади. Кўпинча, бу прогрессив ўзгаришлар ЎП даги яллиғланиш жараёнларининг деструктив ҳолатга ўтиш ёки ЎП асоратлари ривожланиши билан боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЎП ва ЖЦнинг биргаликда келиши алоҳида эътибор талаб қиладиган ноёб клиник ҳолат ҳисобланади. Ушбу касалликлар ўртасидаги ўзаро таъсир ташхисни мураккаблаштириши, иккала касалликнинг оғирлигини кучайтириши ва даволаш стратегиясига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. ЎП ва ЖЦ ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушуниш беморларни самарали даволаш учун жуда муҳимдир. Клиник жиҳатдан ЖЦ бор беморларда ЎП ривожланиши кўпроқ ўт тош касаллиги сабаб бўлиши кўринди. Иккала касаллик учун этиологик сабаб бўлган спиртли ичимликлар, ҳар иккала ҳолатни ҳам оғирлаштириши кўринди. ЎПнинг ЖЦ фонида ривожланганда, беморларда ичак парезининг ривожланиши ва ичак етишмовчилиги, ичакнинг барьер функциясининг бузилиши сабабли, микроорганизмларнинг қонга транслокацияси ва инфицирланган панкреонекроз ривожланиши кўпроқ бўлиши кўринди.

Жигарни ултратовуш текшируви фақат асосий гуруҳнинг 96(75%) беморларида жигар ҳажмининг ошганлигини аниқлади (ўнг бўлак  $16,3\pm 0,7$  см, чап бўлак  $9,2\pm 0,7$  см) ва хулосада қайд этилди. МРПХ дан кейин худди шу беморларда 32(25%) беморда гепатомегалия аниқланди ва бу асосан Чайлд-Пью бўйича А (компенсацияланга босқичда) жигар паренхимасининг акустик ногомогенлиги билан ажралиб турди. Спленопортал томир тизимидаги томирлар диаметри нормадан юқори эди. Ултратовуш текшируви 80(62,5%) беморда спленомегалияни берган бўлса, МРПХГ дан кейин эса 121(95%) беморда спленомегалия аниқланди. Шунингдек, асосий гуруҳда терининг сариқлиги бўлган 15(12%) беморда атиги 7(5,4%) тасида гепатикохоledохнинг кенгайиши ва унда ўт тошлари борлиги, жигар ичи каналлари кенгаймаган ҳолда аниқланган. МРПХГ дан кейин, яна 8 (6,25%) беморларда гепатикохоledох ва жигар ичи ўт йўлларида кичик ҳажмли бир неча ўт тошлари борлиги аниқланди. Бу кўрсатигич асосий гуруҳдаги беморларда билиар этиологияли ЎП даги 45(35%) бемордан 8(6,25%) УТТ аниқлаб бўлмаган ҳолларда қўл келди ва даволашда миниинвазив усулларда кенгроқ фойдаланишга асос бўлди. Асосий гуруҳ беморларнинг келгандаги

вақтда, билиар этиологияли ЎП лар 45(35%) бўлсада, улардан фақат 10(7,8%) механик сариқликка сабаб бўлди, қолган 5(3,9%) ҳолатда паренхиматоз сариқлик яъни жигар етишмовчилиги сабаб бўлган. Беморларнинг қолган қисмида симптоматик холедохолитиаз гипербилирубинемиясиз ҳолатда аниқланган.

Шундай қилиб, ЎП сабаб сифатида УТК булганида беморларда жигар паренхимасининг ҳолатини, гепатикохоледох, жигар ичидаги ўт йўлларида ўт тошлари мавжудлигини ташхислашда ултратовушни қўллаш етарли эмас деб ҳисобладик ва МРПХГ усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик.

## **§2.2. ЖЦ фонида ЎП ултратовуш текшируви тадқиқот натижалари.**

ЖЦ кўпинча портал гипертензия билан бирга келади, бу жигарда қон оқимиға қаршилиқнинг кучайиши натижаси содир бўлади. Ушбу ўзгарган гемодинамик ҳолат бошқа органларға, шу жумладан ошқозон ости безининг қон айланишиға ҳам таъсир қилиши мумкин. ЎП ҳолатларида ошқозон ости безида қон айланишининг пасайиши тўқималарнинг яллиғланишни ва шикастланишини кучайтириши мумкин, бу эса касалликнинг янада оғир ривожланишиға олиб келиши мумкинлигини кўзда тутдик.

Бундан ташқари, портал гипертензия, қизилўнгач варикоз томирлари деб номланувчи коллатерал томирларнинг ривожланишиға ва қон кетишиға мойил бўлган ҳолатларға олиб келиши мумкин. ЎП шароитида, варикоз томирларининг ёрилишидан қон кетиш, касалликнинг клиник кечишини оғирлаштириб, даволанишни мураккаблаштириши мумкин.

Ҳозирги вақтда УТТ замонавий инструментал тадқиқот усули бўлиб, ЎП ва унинг асоратларини, шунингдек ЖЦ ни ташхислашда етакчи усулларидан бири ҳисобланиб, шошилиқ жарроҳликда, ташхис қўйиш ва бутун патологик жараён давомида динамик кузатувни амалға ошириш учун қулай усул ҳисобланади.

Жигар ултратовуш текшируви беморнинг орқа ва чап томонидаги ҳолатида ўтказилди. Бўйлама, кўндаланг ва қия кесимлада ўнг қовурға равоғи, эпигастрал соҳадан қилинган. Нафас олиш босқичида, нафасни ушлаб туриш билан тадқиқотлар ўтказилди. Текшириш бурчаги жигар юзасига нисбатан 90-30 оралиғида ўзгариб турарди. Жигарнинг олдин орқа ўлчамлари, жигар контурларининг равшанлиги, жигар тўқималарининг эхоструктурасининг ҳолати, спленопортал ва ковак веноз томирларининг диаметри, жигардаги тугунли ўсмалар, қорин бўшлиғида асцитик суюқликнинг бор ёки йўқлигига эътибор берилади. Сурункали гепатит фонида ЎП билан оғриган беморларда жигар катталиги, унинг олдинги четининг ҳолати, жигар паренхимасининг ўрта ва кўпол донатор эхоструктураси каби параметрларда нисбатан эквивалент ўзгаришлар кузатилди.

Ултратовуш текшириш усули, ЎП ва унинг асоратлари бор йўқлиги, ЎТК, холедохолитиаз, механик сариқлик белгиларида ЖЦ ривожланадиган холестатик шакллари билан биргаликда келганда дифференциал диагностика қилишда айниқса муҳимдир. Шу сабабли, холедохолитиаз фонида механик сариқлик бўлганда ўзгаришлар асосан жигарнинг ўт йўллари тизимига (катталашган "турғун" ўт пуфаги, умумий ўт йўли ва жигар ичидаги ўт йўллари кенгайиши, холедохнинг дистал қисмида тошнинг кўриниши) эътибор берилади. Жигардаги ўзгаришлар эса аксинча, гепатитдан келиб чиққан паренхиматоз сариқликда, ўт йўлларидаги кенгаймаган, ўт пуфаги катталашмаган. ЎП ни ташхислашда биз ушбу патологиянинг ултратовуш картинасида қуйидаги кўп учрайдиган характерли хусусиятларига алоҳида эътибор берамиз: ООБ ҳажмининг ошиши, (қалинлиги, эхогенлиги, ички тузилиши), чарви халтасида суюқлик, жигар ост ва каналларда суюқлик бор йўқлиги ҳақида маълумот беради.

ЖЦ фонида ривожланган ЎП беморларнинг ўрганишда, бизнинг назорати гуруҳи (n=120) ва асосий гуруҳ (n=128) барча беморларда кенг камровли ултратовуш амалга текширишлари ўтказилган.

Асосий гуруҳда УТТ 32 беморда асцит, 121 беморда спленомегалия ва ЖЦ эхокартинасини аниқладик.

Асосий гуруҳ беморларнинг 32(25%) беморларда ултратовуш маълумотларига кўра, жигарнинг диффуз ўзгариши белгилари топилди, унда жигар ҳажми одатдаги нормал диапазонда, лекин контурлари нотекис, унинг эхогенлиги ошганлиги қайд этилган.

Асосий гуруҳнинг 96(75%) беморларида ултратовуш ЖЦ портал гипертензия белгилари билан аниқлади, бу жигар қирраларининг юмалоқлиги, унинг контуридаги ўзгаришлар, жигар юзасининг нотекислиги, органнинг акустик зичлиги ошиши ва ҳархил донадор эхоструктура (катта нуқтали донадорлик), жигар расмининг ноаниқлиги, товуш ўтказувчанлигини пасайиши, жигарда регенерация ўчоқлари мавжудлиги, жигар капсуласининг калинлашиши, жигар ичи томирларининг ўзгаришлар, талоқ ҳажмининг ошиши кўринди.

Асосий гуруҳнинг 37(29%) беморларда қорин бўшлиғининг ултратовуш текширувига кўра, ўт пуфагида ва ўт йулларида тошлар белгилари топилган. Қолган аниқланган ўт тошлари МРПХГ текширувларида топилаган.

Беморларнинг 23(18%) беморда қабул қилинганда ултратовуш ўткир холециститнинг кўриниши аниқлади. Кейинги оператив дашолашда ушбу беморларда ЎТХ белгилари билан бир қаторда ЎП деструктив формалари аниқлади.

ЎП билан касалланган, лекин клиник ва УЗИ маълумотларида ЖЦ аниқланмаган беморлар I (назорат) гуруҳига киритилган.

### **§3.3. Беморларда ЖЦ фонида жигардаги қон оқимини ўрганиш натижалари**

Жигар паренхимасининг ҳолатини ўрганишдан ташқари, биз ўткир деструктив панкреатит билан касалланган беморларда ултратовушли доплерография ёрдамида портал қон айланиш оқимининг ҳолатини

ўргандик.

Сурункали диффуз жигар касалликлари бўлган беморларда жигар қон оқимининг ултратовуш текшируви шуни кўрсатдики, сурункали гепатитда жигар гемодинамикаси параметрлари ва портал томирлари диаметрида сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган. Жигарнинг ривожланган циррози фонида портал гипертензия синдромининг ривожланиши билан қайд этилди:

1. Портал томир диаметрининг 12 мм дан ошиши;
2. Талоқ венаси диаметрининг 10 мм дан ошиши;
3. Жигарнинг чап бўлаги пастки қисмида ва жигар, талоқ дарвозалари соҳасидаги портокавал коллатералларни визуализация қилиш;
4. Киндик соҳасида, киндик коллатерал зонасида ва қорин деворининг латерал томонлари бўйлаб портокавал анастомозларни визуализация қилиш;

ЖЦ фонида ЎП да портал гипертензия ривожланиши, портокавал коллатералларнинг шаклланиши туфайли жигар қон оқимининг прогрессив бузилиши кузатилади, бу жигар паренхимасида қон айланишини ёмонлаштиради, сўнгра гепатоцитлар гипоксияси юзага келади.

ЖЦ билан касалларда жигар қон оқимидаги бу ўзгаришлар операциядан олдинги тиббий коррекцияни талаб қилади.

Қоннинг аъзоларда айланиш жараёни, артериолалар ва венулалар ҳолати, қон ва лимфанинг органдан чиқиши, аъзо паренхимасининг ҳолати ва қон айланиш тизимининг метаболик ўзгаришларнинг турли шароитларига мослашиш реакцияси билан бевосита боғлиқ.

### 3.6-жадвал

#### ЖЦ бўлган беморларда жигар қон оқимининг ултратовуш текшируви натижалари

Ўрганган тузилмалар	d, мм	ЛСК, см/сек	КАХ, мл/мин
---------------------	-------	-------------	-------------


Портал вен	15.4±1.3	36.5± 1.2	2821±18.9
Талок венаси	12.2±0.6	24.2±1.5	1595± 9.2
Умумий жигар артерияси	6.1±0.8	27.2±1.2	621±6.3
Жигар веналари	4.0± 0.2	--	-

Жигар ҳолатини баҳолашда ултратовуш доплерографиянинг ишлатилиши ушбу усулнинг қийматини оширади.


Портал тизимда қон оқимининг ҳолати панкреонекроз ва жигар дисфункциясида ҳам муҳимдир. Жигарнинг қон билан таъминланиши ва қон чиқиши, артериолалар ва венулаларнинг ҳолати, қон ва лимфанинг органдан чиқиши орган паренхимасининг ҳолати ва қон айланиш тизимининг метаболик ўзгаришларнинг турли шароитларига мослашиш реакцияси билан бевосита боғлиқ бўлади.

Портал венанинг дуплекс ангиосканирлаш усули портал трактдаги қон айланишининг ҳолатини ва жигар функциясини айланишининг ижобий ёки салбий томонидаги динамикани баҳолашдаги энг аниқ ва ишончли усул ҳисобланади.

Дуплекс сканерлаш текшириш усули 3 Мгц вектор сенсори ва 50 Мгц филтр ёрдамида ишлатилган. Барча тадқиқотлар импульсли доплерография ёрдамида «General Electric» и «Sonomas» ултратовуш сканерларида оч қоринда нахорда бажарилди. Портал венанинг ултратовушли доплер текшируви "Б" режимида бажарилди.



**3.1-расм. Соғлом одам қоққа венаси доплерографияси**



**3.2-расм. Аралаш панкреонекрозда қоққа венаси ва умумий жигар артерияси доплерографияси**

Нормада, портал венанинг доплер чизиғи бир хил тўғри чизикли ёки паст тўлқинли характерга эга бўлади. Ўртача туғри чизикли қон оқимининг тезлиги  $16,4 \pm 3,2$  см/с тенг бўлади. Портал қон оқимининг волуметрик тезлиги уртача  $1124 \pm 120$  мл/минга тенг. Қуйидаги расмларда 3.1. ва 3.2. соғлом одам ва панкреонекроз бўлган беморда портал венанинг доплерографияси тақдим этилган.

Портал венасининг доплерографиясини ўтказиш учун аввал ушбу



томирнинг визуализацияси ва унинг диаметрини ўлчаш амалга оширилди. Сўнгра қисқа вақтли нафасни ушлаб туриш давомида - 4-5 секунддан кўп бўлмаган муддатда қон оқимининг спектри қайд этилди. Допплер маконининг контрол ҳажми томирнинг ўртасида жойлаштирилган бўлиб, бу қон оқимининг максимал линеар тезлигини ўлчаш имконини берар эди. Бунда томир ўқи ва ультратовуш нурунинг йўналиши ўртасидаги коррекция бурчаги 70 даража доирасида сақлаб турилди. Қон оқимининг ҳажмий тезлиги ультратовуш сканерга интеграция қилинган микропроцессор ёрдамида аниқланди. Тадқиқот эпигастрал ҳудудда сагиттал-ўткир проекциядан амалга оширилди, бу талоқ ва юқори мезентерик веналарнинг бирикиш жойидан жигар дарвозаларигача бўлган қисмни ўлчаш имконини берди.

Портал венасининг доплер тадқиқоти даволаш процедураларининг самарадорлигини баҳолаш учун қайта - қайта ишлатилди.

Назорат гуруҳи 10та соғлом одамлардан иборат эди. Соғлом иштирокчилар портал қон оқимининг нормал кўрсаткичларини белгилаш учун танлаб олинди. У асосий гуруҳ билан таққосланди, унда 128 нафар бемор бўлиб, улардан 18 тасида (14%) ЎДП ривожланди. Портал қон айланиши ҳақидаги маълумотлар, соғломлар ва ўткир деструктив панкреатити бўлган беморлар 3.7. жадвалда тақдим этилган.

Портал венасининг катталашуви ва беморларда ўткир деструктив панкреатит билан боғлиқ чизиқли ва ҳажмий қон оқимининг тезлашиши бир нечта омиллар томонидан келтириб чиқарилади. Биринчи томондан, бу оралиқ токсик моддаларнинг зарарли таъсири, жигар паренхимасининг шишиши ва жигар ичи томирларини сиқиб қўйилиши, бу жигардаги қон оқимига тўсиқ яратади ва портал венада қон димланишига олиб келади.

### **3.7-жадвал**

**Портал қон айланишини тавсифловчи кўрсаткичлар меъёрий ва ўткир деструктив панкреатит билан оғриган беморларда (n=28)**

Портал айланишининг ҳолатини тавсифлаш	Соғлом одамлар (назорат -10)	Ўткир деструктив панкреатитнинг ЖЦ
Портал вена диаметри	0,96±0,09см	1,385±0,008см*
Чизиқли кон айланиш тезлиги	16,4±3,2см/с	24,3±3,9см/с*
Қон айланишнинг ҳажмли тезлиги	1124±120 мл/мин	1540±130мл/мин*

*\*Эслатма: жадвалда назорат ва асосий гуруҳлари орасидаги нисбатан ишончли маълумотлар кўрсатилган - (p < 0.05)*

Иккинчи томондан, ошқозон ости беши деструкция ўчоғидан ва қорин орти клетчаткасидан қон оқими билан кўплаб токсинлар, яллиғланиш медиаторлари ва метаболитлар жигарга тушади. Қон бу моддаларни жигарга тез етказиб беришга интилади, уларни нейтралзация қилиш учун, бироқ жигар паренхимасининг диффуз ўзгаришлари, жигар ичи томирларини сиқиб қўйиши, токсинлар ва метаболитларга бой қоннинг жигарга киришини қийинлаштиради. Оғир деструктив панкреатит ва эндотоксикоз билан касалланган беморларда зарарланган жигарни ҳимоя қилиш долзарб ва зарур чораларни ўз вақтида қўллашни талаб қилади.

Даволаш жараёнида жигар ичи босими камайгани сайин, токсинларга бой қон портал вена орқали жигарга киришни бошлайди. Бу гепатоцитларга кучли токсик таъсир кўрсатади, улар алақачон турли этиологик омиллар (вируслар, алкоголь ва ҳ.к.) билан зарарланганлигини ҳисобга олганда, токсик реакция ривожланади, у гепатоцитларнинг шишиши ва некрозини келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида жигар паренхимасининг тўқималари шишишини кучайтиради ва жигар ичи томирларини сиқиб қўяди. Ультратовуш текширишларда бу ўзгаришлар жигарнинг катталашуви (гепатомегалия) сифатида кўринади, клиник жиҳатдан жигар энцефалопатиясининг ошиши ва жигар етишмовчилиги ва эндотоксикоз маркерларининг лаборатор ўзгаришлари сифатида кўринади.

Органлардаги қон айланишининг бузилиши ва жигардаги яллиғланиш жараёнлари вазиятларида гепатоцитларнинг детоксикация вазифаси сезиларли даражада ёмонлашади. Бу жигарнинг етарлича ишламаслиги билан боғлиқ эндоген интоксикация аломатларининг кучайишига олиб келади. Шу сабабли оғир деструктив панкреатити бўлган беморларда зарарланган жигарни ҳимоя қилиш ва даволаш муҳим аҳамият касб этади ва керакли чораларни кўришни талаб қилади.

#### **§2.4 ЖЦ фонида ЎП ривожланганда ичак етишмовчилиги синдроми.**

Ичак етишмовчилиги синдроми - бу ичакнинг мотор, эвакуатор, секретор, ҳазм қилиш, сўрилиш ва тўсиқ функцияларининг бузилиши бўлиб, шартли патоген микрофлоранинг ичакнинг дистал қисмларидан, проксимал бўлимларга кўтарилишига, микроблар ва уларнинг метаболитларининг назоратсиз қонга транслокациясини ривожланишига олиб келадиган, ичакнинг моддалар алмашинувидан ажралиб қолиши ва гомеостазнинг асосий кўрсаткичларининг қайтарилмас бузилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратилишига дейилади.

Ичак шиллик қават тўсиғи бир нечта функционал ва таркибий қисмлардан иборат. Энг муҳими эпителия қатлами. У бир бирқаватли устунли хужайралардан иборат бўлиб, ворсинкалар ва криптлар шаклида жойлаштирилган қатламидан иборат. Микроворсинкалар хужайранинг юқори қисмини қоплайди ва микроворсинкалар орасидаги кичик бўшлиқ туфайли микробларга тўсиқ бўла олади.

Бу ЎП фақат ичакка салбий таъсир кўрсатмасдан, балки унинг кейинчалик ҳам ёмонлашишида муҳим рол ўйнашини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳамма томонидан тан олинганки, ичакнинг бутунлиги ва функционал ҳолатини сақлаб қолиш учун ичак ичак бўлиғи ичидан ҳам озиқланиш зарур. Узоқ вақт оч қолиш ичакнинг шиллик қаватини атрофиясига олиб келади, энтероцитларнинг апоптозини тезлаштиради, глутамин ва аргинин транспортини пасайтиради, шунингдек бокалсимон

хужайралар ва чуқур криптларнинг муцин таркибини ўзгартиради. Бу жараёнлар ичак барьерининг бутунлигини бузилишига олиб келади, бу ичакнинг ўтказувчанлигининг ошишида намоён бўлади.

Амалиётда, парезнинг оғирлиги белгиланадиган кўрсаткич ошқозон ажралмалар ҳажми, ичакнинг мотор - эвакуатор ҳолати ва ичакнинг сўриб олиш қобилиятига эътибор қаратиш энг оддий ва мақсадга мувофиқ усул бўлиб-ичак парези ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

ЎП билан оғриган беморларда ҚББ нинг ошишига қуйидаги омиллар олиб келади: ичак парези, қорин бўшлиғида ферментатив суюқлик тўпланиши, ретроперитонеал тўқималарга суюқликнинг секвестрланиши, етарли бўлмаган оғриқсизлантириш, массив (қунига 5 литрдан ортиқ) инфузион терапия. ҚББнинг ошиши пастки кавак венада ва тутқич томирларида босимнинг пасайишига, ичаклар ишемиясига, томирлар орқали юракка қон оқимининг пасайишига ва юрак қон ҳайдашнинг пасайишига олиб келади [7-12].

ҚББ, гомеостазининг бузилиши фонида (масалан, гипотермия, ацидоз, коагулопатия) кучайиши охир-оқибат абдоминал – компартмент синдромига олиб келади. (АКС, инглизча, abdominal compartment syndrome).

Қорин бўшлиғида қон айланиш, ўртача артериал қон босими ва қорин бўшлиғи босими ўртасидаги фарқга боғлиқ бўла бошлайди. Бу фарқ қорин бўшлиғининг перфузия босими деб аталади ва аниқланишича, унинг катталиги охир-оқибат ички органларнинг ишемиясини даражасини ҳал қилади [14, 59]. Ошқозон-ичак тракти биринчи бўлиб шикастланади [17].

ҚББ 10 мм.сим.уст. ошганида, жигар артериал қон оқими кескин пасаяди ва портал қон оқими фақат 20 мм.сим.уст. га етгандан кейин пасая бошлайди [17]. ЖЦ ва асцит билан оғриган касалланган беморларда ҚББнинг сурункали ўсиши, қизилўнгач варикоз томирларидан қон кетишига қай даражада таъсир қилиши ҳали ҳам аниқ эмас [47].

Касаллик бошланганидан кейинги 3-кундан бошлаб турлича кўрсаткичлар қайд этилган, бу кўрсаткичлар 5 ва 7-қунига келиб аниқ

кўринган: даволанган беморларда шу муддатга келиб қорин ичи босими (ҚИБ) пасайиши кузатилди, ўлим билан тугалланган беморларда эса - ҚИБ кейинчалик ичак парезлари сезиларли даражада ошиб бориши қайд этилди.

Панкреонекрозда кузатиладиган патологик ўзгаришлар беморларнинг 50-65%да ҚИБ ошишига сабаб бўлади. Баъзи ҳолларда, ички қорин босими 30 мм. сим. уст. дан ошганда, бу қорин ичи гипертензияси синдромининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ЎДПда ҚИБ ошиши ялиғланиш жараёнининг махсус кўриниши сифатида кўриб чиқилиши мумкин. ООБ ва қорин орти соҳаси тўқималарида кучли ялиғланиш, панкреас атрофидаги тўқималарнинг шишиши билан қорин бушлиғида перитонеал суюқликнинг шаклланиши ва юқори даражада ривожланган ичак парези ва умумий висцерал шиш, шунингдек кўп миқдорда инфузион терапия ҚИБ босимининг ошишига олиб келади. ҚИБ кескин ошиши натижада, тўқималарда ишемия ва кучайиб бораётган микроциркулятор бузилишларга олиб келади.

### 3.8-жадвал

#### Текширилган беморларда иккала гуруҳда ҳам 1 – чи ҳафта давомида ичак етишмовчилиги синдромининг ривожланиши (n = 248)

Боскич	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	I – гуруҳда ИЕС	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)	II– гуруҳда ИЕС
Шишли	90 (75%)	<b>22 (16%)</b>	91(71%)	<b>35 (38,4%)</b>
Стерил панкреонекроз	18(15%)	<b>7 (43%)</b>	15(11,7%)	<b>12 (80%)</b>
Инфицирланган панкреонекроз	12(10%)	<b>8(66%)</b>	22 (17,2%)	<b>18(82%)</b>
Жами:	120 (100%)	<b>37(30,8%)</b>	128(100%)	<b>65(50,7%)</b>

Ичакнинг прогрессив парези оқибатлари, қон ҳажмининг камайиши ва шиллик қаватнинг ҳимоя функциясининг бузилиши бўлиб, бу микроорганизмлар ва уларнинг токсинларининг қонга кўп миқдорда транслокациясига олиб келади. Ўткир деструктив панкреатит, бу ошқозон-ичак трактининг шартли-патоген флораси эндоген интоксикация ва инфекцияни тутадиган қўшимча манбаи сифатидаги касалликга киради. Ўткир деструктив панкреатитда, бактериал транслокация фақат панкреонекроздаги инфекциянинг асосий омилига айланмай, балки системали яллиғланиш ва полиорган етишмовчилигининг ривожланишини кучайтирадиган факторга айланади.

Иккала гуруҳ беморларда ичак парези ва ИЕС ривожланиши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. ЎП шишли формасида ИЕС I - гуруҳ беморларида 22(16%), II - гуруҳ беморларида 35(38,4%) та беморда ривожланди, 2 барабар ҳолда ривожланди. Стерил панкреонекрозга ўтган беморларнинг I - гуруҳдаги 18(15%) бемордан 7(43%) тасда, II - гуруҳ беморларнинг 15(11,7%) тасидан 12(80%) тасида ИЕС ривожланди. Бу ҳолатлар асосий гуруҳ беморларида кутилиши мумкин бўлган асоратларга қарши профилактик даволашга қарамасдан ривожланиш давом этди.

Инфицирланган панкреонекроз касаллигининг 2 ҳафта охиридан бошланиб, I- гуруҳ беморларида 12(10%)тасидан 8(66%) тасида ривожланган бўлса, II - гуруҳ беморларида 22(17,2%) тасидан 18(82%) тасида ривожланди ( 3.8-жадвал).

### 3.9-жадвал

**ЖЦ фонида ЎП бўлган (II-асосий гуруҳ) беморларни жигарнинг функционал ҳолатига қараб асосий гуруҳидаги Чайлд-Пью бўйича тақсимланиши (n=128)**

ЎП, клиник формалари ва унинг асоратлари	Чайл-Пью функционал ҳолати			Чайл-Пью функционал ҳолати
	А класс	В класс	С класс	
ЎП + ЖЦ (II-асосий гуруҳ)	32(25%)	51(40%)	45(35%)	128 (100%)

Асосий гуруҳ беморларда Чайл-Пью бўйича А класс 32(25%), В класс - 51(40%), С класс - 45(35%) бўйича тақсимланди( 3.9-жадвал).

### 3.10-жадвал

#### II - Асосий гуруҳ беморларида жигар функционал ҳолатидан келиб чиқиб ИЕС нинг ривожланиши натижалари

жигар функционал ҳолатидан келиб чиқиб ИЕС нинг ривожланиши	ЎП + ЖЦ Чайл-Пью функционал ҳолати			ИЕС (n=65)
	А класс	В класс	С класс	
	32(25%)	51(40%)	45(35%)	
Шишли	-	7	28	35 (27,3%)
Стерил панкреонекроз	3	6	3	12 (9,3%)
Инфицирланган панкреонекроз	4	4	10	18(14%)
<b>Жами</b>	<b>7(5,5%)</b>	<b>17(13,3%)</b>	<b>41(32%)</b>	<b>65(50,7%)</b>

Клиник натижаларни тахлили қилганимизда шу нарса кўриндики, иккала гуруҳда ҳам ИЕС беморларда касаллик болашишидан 2-3 кунларда бошланди. Назорат гуруҳи беморларида ИЕС, асосий гуруҳга нисбаттан қариб 2 баравар камроқ ривожланганлигини кўришимиз мумкин, умумий назорат гуруҳидаги беморлар (120 бемордан) ичидан 37(30,8%) тасида, асосий гуруҳ беморлар (128) ичидан 65(50,7%) беморда ривожланди. Бунга асосий сабаб эндотоксикоз ривожланиши билан бирга ушбу гуруҳ

беморларда ЖЦ нинг турли даражада ривожланганлигини кўрсатишимиз мумкин(3.10-жадвал).

Жадвалдан кўринадик, ИЕС асосий гуруҳ беморларда ўтказилган чора тадбирларга қарамасдан, умумий беморлар сонидан (n=128) Чайлд-Пью С класс функционал ҳолатидаги беморларда 41(32%) ИЕС ривожланганлиги, Чайлд - Пью класс В ҳолатда 17(13,3%), Чайлд - Пью класс А 7(5,5%) беморда ривожланганлиги кўринадик. Асосий гуруҳ беморларида ИЕС профилактикаси мақсадида ўтказилган чора тадбирлар натижасида, назорат гуруҳида 37(30,8%) беморда ривожланган бўлса, асосий гуруҳ беморларининг Чайлд – Пью А класс беморларда 7(5,5%) тасида ривожланди.

Панкреас ва атрофдаги тўқималарнинг яллиғланиши кучайиши билан беморларнинг энергия, оқсил ва микроэлементларга бўлган талаби катта даражада ошади. Бу беморларда оқсил-энергетик етишмовчилигининг тезлашишига гиперметаболизм ва гиперкатаболизм синдромларининг аниқ белгилари, мажбурий очлик, овқат ҳазм қилишнинг бузилиши ва гепатодепрессив синдром каби асосий омиллар сабаб бўлади.

ЎП нафақат ичакка салбий таъсир кўрсатади, балки унинг янада ёмонлашишига ҳам ҳисса қўшади. ЎП учун стандарт даволаш ошқозон ости безига бўлган овқат нагрукасини камайтириш, овқатланишини чеклашни ўз ичига олади, бу ҳолат эса овқатнинг етишмаслиги сабабли ичакларнинг атрофиясига олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда ичак ҳолати ва функциясини сақлаб қолиш учун, ичак бўлишғидаги озиклантиришнинг аҳамияти ҳам тан олинган. Озикланишнинг йўқлиги ичакларнинг шиллик қаватининг атрофиясига, энтероцитларнинг апоптозини тезлашишига, глутамин ва аргининнинг транспортини пасайишига ва бокалсимон хужайраларнинг муцин таркибини ва чуқур крипталарни структурасининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бу ўзгаришлар ичак барьерининг бутунлигини бузилишига олиб келади, бу эса ичак ўтказувчанлигининг ошиши билан намоён бўлади.



Шу сабабли, меъда-ичак йўлларининг структуралар бутунлигини ва кўп функционаллигини сақлаб қолиш мақсади, эрта энтерал озиқлантиришни бошлаш усуллари (энтеропротекция) алоҳида муҳим бўлиб қолмоқда. Бунда, глюкоза эритмалари, электролитлар, антигипоксантиларни киритилиши билан биргаликда, ичакнинг шиллиқ қавати эпителиоцитларининг регенерациясига ва унинг барьер функциясини сақлаб қолишга ёрдам беради. Иккинчи муҳим вазифа ичак парезини ва қорин ичи босимини (ҚИБ) бартараф этилиш ҳисобланади.

Ичак орқали эрта озиқлантириш терапияси, ЖЦ фонида ривожланаётган ЎДП га чалинган беморлар учун, асосан трофик мувозанатни сақлаш ва унга тақаладиган структурал-функционал ҳамда метаболик жараёнларни таъминлашга қаратилган.

Назоинтестинал зонднинг проксимал каналидан фойдаланилган ҳолда, глюкозо-электролитли эритма ва нутрикомп Стандарт эритмаси 100 мл/соат тезлик билан инфузия қилинади. Сўнгра 1-2 соатдан сўнг, 30 минут давомида зонд канали орқали ичак таркиби пассив равишда олиб чиқилади. Агар чиқарилган таркибнинг миқдори бир соат давомида киритилган ечимнинг ҳажмининг 30% дан ошса, кейинги инфузия худди шу тезликда амалга оширилди. Агар қолган ҳажм камроқ бўлса, инфузия ҳажмини 50% га оширилади.

Амалга оширилган даволашнинг муваффақиятли эканлигининг якуний кўрсаткичи бу беморда мустақил катта таҳоратга чиқиши бўлди. Иккинчи ёки учинчи кунларда, глюкозо-электролитли эритма (ГЭР)га кўшимча равишда минимал миқдорда ичак орқали озиқлантириш кўшилди.

Беморларда кучли перипанкреатик инфилтрат ривожланганда, у ошқозон ва ўн икки бармоқ ичакка босим ўтказди, шунингдек қусиш, кўнгил айнаши ва иштаҳанинг йўқлиги каби аломатлар пайтида, зонд орқали озиқлантириш давом эттирилади. Инфилтратнинг камайиши, мотор функциясининг тикланиши ва меъда-ичак тизимининг юқори қисмлари ўтказувчанлигининг тикланганида зонд олиб ташланади.

Нутритив озиклантириш, ичак дисфункцияси бартараф этилганидан сўнг дарҳол бошлаш керак.

Оғир кечувчи ўткир деструктив панкреатитда кўпинча, ошқозон ичак тизими (ОИТ) нинг моторикасида жиддий бузилишлар ва унинг юқори бўлимларини катта инфильтрат босиб қолиши каби аломатлар пайдо бўлади, бу табиий озикланиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

Бундай беморларда ҳатто озгина овқат ёки сув истеъмол қилгандан кейин ошқозоннинг тўлиши, кўнгил айниши, қусиш каби ҳиссиётлар пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолатларда беморларни озиклантиришда энг афзал усул бу ичак орқали сунъий озиклантиришдир. Бунда, назогастрал ва назоэнтерал зонд орқали амалга оширилади, бу зонд ичакнинг бошланғич қисмига эндоскопик йўл билан киритилади.

Шундай қилиб, клиник тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, жигар ва ингичка ичакнинг патологик жараёнга қўшилиши систематик эндотоксикозни сезиларли даражада ошириб, ЖЦга чалинган беморларда инфекцион асоратларга олиб келишини кўрсатди. Ичакнинг мотор-эвакуатор функцияси бузилганлиги (парез) оқибатида ичакда микрофлорасининг патогенликга қараб колонизацияси юз беради. Микроорганизмларнинг қон тизимига транслокацияси содир бўлади ва бу липидларнинг эркин радикалли оксидланиши жараёнларининг фаоллашувининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Ҳосил бўлган супероксидлар ичакнинг шиллиқ қавати энтероцитларининг мембраналарини бузиб, ичак етишмовчилик синдроми (ИЕС) ни келтириб чиқаради. Ичакнинг шиллиқ қавати қоплама эпителийсининг ўлими натижасида ичакнинг портал қон айланиши ва ичак лимфатик коллекторига ичак ичидаги токсинларнинг оммавий резорбцияси содир бўлади.

ЎП билан касалланган ва ЖЦ фонида кечаётган беморларда ичак етишмовчилиги синдромининг (ИЕС) олдини олиш ва даволаш дастурининг асосий мақсади ИЕС патогенезининг асосий туртки бўлган қисмларга таъсир қилиш эди, бу ичак трактининг мотор-эвакуатор функцияларини стимуляция

килиш, прокинетика, эрта ичак орқали озикланиш, Улинастатин, Глутамин кислотаси ва Ремаксол эритмаларида фойдаланишни ўз ичига олади. Чоралар организмнинг ҳаёт функцияларини барқарорлаштириш фонида амалга оширилди.

Олинган маълумотлар, ЎП ООБ ва атроф тўқималарнинг инфицирланишида, системали эндотоксикознинг юзага келиши ва прогрессивланишида ИЕСнинг муҳим ролини кўрсатмоқда. Таклиф этилган профилактика ва даволаш усуллари ичакнинг патологик жараёнларга жалб қилиниш фоизини ишончли равишда камайтиришга, шунингдек, ЎП ва ҳамроҳ ЖЦ бўлган, ИЕСга эга бўлган беморларда самарадорликни кўрсатди. Бунда жигарнинг функционал ҳолатини бузилиши Чайлд-Пью А ва В класслари бўлган беморларда самарадорлик натижаси яққол кўринди. Чайлд-Пью С классдага беморларда даволаш сифатининг ишончли камайишлари кузатилмади.

## **§ 2.5 .ЖЦ фонида ривожланган ЎП да МРПХГ**

МРТ - бу замонавий ноинвазив инструментал диагностика усули бўлиб, у Ошқозон ости беzi, жигар, ўт пуфаги ва ўт йўллари тўқималарини визуализация қилиш имконини беради. МРТ органларнинг ҳолатини баҳолаш, касалликнинг илк босқичларида патологияларни аниқлаш ҳамда касалликнинг ривожланиш даражаси ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ишлатилади. Жараён вақтида беморнинг танаси радиацион ионлаштирувчи нурланишга таъсирланмайди. Шу сабабли МРТ ўтказиш соғлиққа зарар етказмайди ва асоратларни келтириб чиқармайди.

ЖЦ фонида ўт йўлларида тошлар пайдо бўлиш эҳтимоли юқорилиги ва бу шароитда ООБ яллиғланишининг билиар этиологияси бизнинг текширишларимизда 45(35%) ҳолатларда учраганини инобатга олган ҳолда, бу текширув усулини ООБ яллиғланишининг ЖЦ фонида келиб чиққан ҳолатларда кенг ишлатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

ЎТКларида асоратларнинг келиб чиқиш частотаси бир қатор омилларга, шу жумладан, хирургнинг операциядан олдин, операция қилинадиган беморнинг гепатобилиар соҳа анатомик тузилишининг хусусиятларини қанчалик тушунишига ҳам боғлиқ. Асоратларнинг келиб чиқишига операциядан олдин олинган маълумотларнинг етарли эмаслиги, ўт пуфаги тузилишининг вариантлари, жигардан ташқари ўт йўллари, ошқозон ости беши йулларининг бирлашиб бирга қуйилишининг вариантлари ҳақида маълумотлар олиши муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда шу текширишларни ўтказдик.

Асосий гуруҳ беморларида МРПХГ ёрдамида 121 нафар беморларда спленомегалия аниқланган.

ЖЦ фонида ўт йулларида тошлар ҳосил бўлишининг юқорилигини ва ЖЦ фонида ЎП нинг билиар этиологияси бизнинг текширишларда 45(35%) ташкил қилганлигини ҳисобга олганда, МРПХГ текшириш усулини ЎПнинг ЖЦ фонида келганда кенг ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, ЖЦ фонида ЎП билан оғриган беморларда жигар паренхимасининг ҳолатини, гепатикохоледох ва жигар ичи ўт йулларидаги ўт тошлари мавжудлигини ташхислашда ултратовушни қўллаш етарли эмас деб ҳисоблаймиз.

### **§ 3.6. ЖЦ фонида ЎП ривожланганда эндоскопик тадқиқот натижалари**

ЎП диагностикасида ва даволашда ҳозирги кунда махсус техник ва тактик муаммолар мавжуд эмас. Бироқ, ЎП нинг ЖЦ фонида ривожланиши беморларнинг ушбу гуруҳини даволашда турли мураккабликлар ва асоратларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги вақтда эфагогастроуденоскопия (ЭФГДС) ЖЦ диагностикасида кизилўнгач варикоз веналарини кенгайишини аниқлаш учун энг кўп ишлатиладиган усул бўлиб, бу ЖЦ нинг жигар ташқари белгиларини ва портал қон оқимининг ҳолатини аниқлаш имконини беради. Бизнинг тадқиқотларимизда асосий гуруҳида, ЭФГДС барча касалланган беморларда

(128) ишлатилган. Ушбу усул бизга қизилўнгач ва ошқозоннинг варикоз томирлари мавжудлигини, шунингдек уларнинг кенгайиш даражасини аниқлашга имкон берди.

Қизилўнгачнинг варикоз томирлари портосистемик коллатераллар - яъни портал веноз ва тизимли веноз қон оқимини боғлайдиган қон томир йулларидир. Улар портал гипертензия (циррознинг прогрессив асоратлари) натижасида, кўпинча қизилўнгачнинг веналарининг пастки шиллик ости каватида ҳосил бўлади. Қизилўнгачнинг варикоз томирларидан ёрилиш ва қон кетиш портал гипертензия асоратларининг асосий сабаблари бўлиб, ўлимнинг даражаси юқори бўлишига сабаб бўлади.

Варикоз томирларининг мавжудлиги ва жигар касаллигининг оғирлиги ўртасидаги боғлиқлик тўғридан-тўғри кореляцион боғлиқлик мавжуд, шу сабабли ЖЦ билан касалланган беморларда даволаш тактикани танлашда ва жигарнинг функционал ҳолатини баҳолашда алоҳида ўрин тутади.

Бизнинг фикримизча, ЖЦ фонида ЎП бўлган беморларни даволаш билан бир қаторда ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, ЎПни даволаш билан бирга, интраоператив (холецистэктомия қилиш вақтида, ўт пуфаги ётоғидан, гепатодуоденал бойламлардан, операцион жароҳатдан қонаши ҳолатлари, уларнинг йиринглаши, жигарнинг функционал ҳолатининг оғирлашиши) асоратлари олдини олиш мақсадга мувофиқ ва қаратилиши лозим.

Шу мақсадда асосий гуруҳнинг барча беморлари ЭФГД амалиёти бажарилди. Беморларнинг назорат гуруҳида, ушбу тадқиқотларни режалаштирмаганлиги сабабли, фақат 5(4,2%) беморда ЭФГД қилинган эди. Бунда бирорта беморда ҳам ҚВВК аниқланмаган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг барчасида ЭФГД қилинди. Бунда қизилўнгач билан бирга, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг ҳолати ва ўт суyoқлиги борлиги ва бошқа маълумотлар олинди.

**3.11-жадвал**

**Асосий гуруҳда ЖЦ фонида ривожланган ўП билан касалланган беморларда ҚВВК ни А. Г. Шерцингер бўйича тақсимлаш (n=128)**

ВРВ	даражаси, беморларнинг сони	%
ҚВВК йуқ	15	12%
I-синф	33	26%
II-синф	65	50%
III-синф	15	12%
жами	128	100%

Бунда 33(26%) ҳолатда беморларда I даражали қизилўнгач варикоз томирлари (1-2 мм), II- даражали қизилўнгач варикоз томирлари билан 65 (50%) беморда (диаметри 2 дан 5 мм гача) ва 15(12%) III- даражали қизилўнгач варикоз томирлари кенгайиши билан касалланган беморлар (диаметри 5 мм дан ортиқ) аниқланди. Асосий гуруҳдаги 15(12%) да ҚВВК аниқланмаган. Бу Чайлд-Пью класс А беморларнинг ярмида аниқланди ( 3.11-жадвал).

Асосий гуруҳ беморларида ўлим 23(18%) беморда кузатилган бўлса, шундан 3(6,8%) беморда ўлим ҳолати ҚВВК ва ундан профуз қон кетиш натижасида юзага келди. Бу ҳолат ЖЦ Чайл-Пью класс С жигар функционал ҳолатидаги беморларда кузатилди. Назорат ва асосий гуруҳдаги беморлардаги асоратлар ва ўлим курстагичлари қуйидаги бобларда кўрсатиб ўтилади.

МНО>1,5 бўлса, портал вена томир диаметри>13мм ва тромбоцитопения ЖЦ билан беморларда қизилўнгачнинг варикоз кенгайиши эҳтимолик прогностик омиллар сифатида аниқланган. Бир ёки бир нечта омилларнинг мавжудлиги, ЖЦ билан беморларда варикоз томирлари мавжудлигини инкор қилиш ва қон кетишининг бирламчи профилактикасини ўтказиш учун эндоскопия қилиш кўрсатма бўлди.

Қизилўнғачнинг варикоз томирлари яққол ривожланганлиги портал гипертензия синдромининг (ПГ) бевосита белгисидир.

Портал гипертензия ривожланиши ва қорин бўшлиғи томирларининг турли даражада кенгайиши, ЎПни операция қилиш жараёнида техник қийинчиликларга олиб келади.

Ўтказилган клиник ва инструментал тадқиқот усуллари асосида, клиникада ЎП билан беморларда ЖЦ диагностикаси алгоритми ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган алгоритмга кўра, ЎП билан беморларни текширишнинг биринчи босқичида анамнез ва шикоятлар аниқланади, шундан сўнг ЖЦ гумон қилинган беморларнинг умумий объектив текшируви ўтказилади. Тадқиқотнинг кейинги босқичларида қоннинг биокимёвий параметрларини, жигар ултратовуш текшириши, ЭФГДС ҳар томонлама ўрганишга муҳим аҳамият берилади. Агар беморда ЖЦ борлигига гумон қилинса, улар албатта МРПХГ текшируви қилиниши шарт. Бажарилган комплекс текширувлар асосида, диффуз жигар каслликларининг табиати ва даволаш усули танланади.

Интраоперацион ва операциядан кейинги юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг профилактикасида, ЎП билан беморларда, ЖЦ борлигини операциягача эрта аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда замонавий инструментал тадқиқот усуллари (ултратовуш, МРПХГ ва ЭФГДС) бутун арсеналидан фойдаланиш керак.

Олинган маълумотлар, ИЕС нинг систематик эндотоксикозни кучайтириши ва ЎПда ООБ ва унга ёндош тўқималарнинг инфекцияга чалинишида муҳим роль ўйнашини кўрсатмоқда. Таклиф қилинган ИЕСнинг олдини олиш ва даволаш усуллари, ичакнинг патологик жараёнга жалб қилиниш фоизини ишончли равишда камайтиришга имкон беради, айниқса ЎП нинг ЖЦ фонида бўлган ИЕСга эга беморларда. Даволаш чоралари жигарнинг функционал ҳолати бузилган Чайлд-Пью шкаласи бўйича А ва В гуруҳидаги беморларда алоҳида ижобий самарадорликни кўрсатди. Чайлд-

Пью С гуруҳида эса инфекцион асоратлари ва даволаш сифатини ишончли равишда камайтириш натижалари кузатилмади.

Умумий ўлим назорат гуруҳида -21 (17,5%), асосий гуруҳда ўлим кўрсаткичи - 23 (18%) ташкил қилди. Шунини айтиб ўтиш керакки, асосий гуруҳ беморларида 3 беморда ўлим сабаби ВККВ дан қон кетиш сабабли ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу гуруҳлардаги ўлим кўрсаткичлари статистик жиҳатдан фарқ қилмади.



### **3 БОБ. ЖИГАР ЦИРРОЗИ ФОНИДА КЕЧАЁТГАН ЎТКИР ПАНКРЕАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ДАВОЛАШДА УЛИНАСТАТИН, ГЛУТАТИОН, РЕМАКСОЛ, ЭРТА ЭНТЕРАЛ ОЗИҚЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАЛАРИ**

#### **§ 3.1. ЎП билан касалланган беморларда ЖЦ нинг аниқланганлик даражаси (ретроспектив таҳлил)**

Таdqикот бошида биз, РШТЁИМ Бухоро филиали жаррохлик ва реанимацион булимларда 2015 йилдан 2019 йиллар давомида ЎП сабабли даволанган 2410 касаллик тарихи ретроспектив таҳлил қилинган. Беморларда ЎП ва йўлдош касаллик сифатида ЖЦ (ЖЦ турли боскичларида) фониди ривожланганлиги ва улар 35(1,4%) тани ташкил қилганлиги аниқланди.

2019-2023 йиллар давомида қабул қилинган 2550 бемор турли даражада ривожланган ЎП ва унинг асоратлари билан ёткизилган. Бу беморларда шикоятлари, жигар касалликларига хос бўлган клиник ва объектив белгиларга, анамнезтик, лаборатор ва қўшимча чуқур инструментал текширишлар ўтказилганда, турли даражада ривожланган ЖЦ (компенсация ва декомпенсация) 128(5%) бемор аниқланди. Демак, ЎП га учраган беморларни синчковлик билан текширганимизда уларда аввалги аниқланган кўрсаткичларга нисбаттан 3 баравар кўп жигарнинг диффуз касалликлари аниқланганлигини кўришимиз мумин. Табиийки бу йулдош касалликни эрта аниқлаш, ЎП ни ЖЦ ва улардаги кузатилиши мумкин бўлган, ҳар иккала касаллик учун хос бўлган асорталарни олдини олишга ёки уларни камайтиришга имкон яратади.

ЎП статистик жиҳатдан турли илмий адабиётларда оғирлиги бўйича кечишини кўганимизда 75-80% ҳолларда енгил кечади, қолган ҳолларда ўрта ва оғир даражада кечади. Биз ўзимизнинг текширишларда ўрта оғирликдаги ва оғир беморларни ажратиб олдик.

Беморларни ташхис қўйишда, консерватив ва оператив даволашда операциядан олдинги тайёргарлиги, операциялар билан боғлиқ асоратлар ва

операциядан кейинги даврнинг қониқарсиз натижаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЖЦ фонида келган ЎПнинг клиник кўриниши касаллик белгиларидан алоҳида алоҳида ажратиш қийин бўлган симптомлар ва белгиларнинг мураккаб ўзаро таъсиридан иборатдир. ЖЦнинг мавжудлиги ЎПнинг классик клиник кўринишини ниқоблаши ёки ўзгартириши мумкин, бу эса тиббиёт мутахассисларига ташхис қўйишни қийинчилик тугдириши аниқ.

### **§3.2. Назорат ва асосий гуруҳ беморларида ЎП билан касалланган беморларни консерватив даволашда Улинастатин, Глутатион, Ремаксол препаратларини қўлланиши ва уларнинг натижалари.**

Эндотоксикознинг ўзи клиник-патофизиологик моҳиятига кўра, ЎП билан боғлиқ бўлиб, унда икки фаза мавжуд. Унинг биринчи фазаси, ошқозон ости безида яллиғланиш билан боғлиқ бўлиб, унда одатда икки давр ажратилади:

- панкреатоген шок ва гемодинамик бузилишлар даври;
- паренхиматоз органларнинг функционал етишмовчилиги даври.

Биринчи даврнинг давомийлиги одатда бир неча соатдан икки кунгача давом этади. У зараланган органдан организмнинг ички муҳитига эндоген маҳсулотларнинг каскадли патобиокиёвий кириб келганлигига бевосита жавоби сифатида келиб чиқади. Иккинчи даврнинг давомийлиги бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин.

Ушбу даврда даволашнинг асосий мақсади беморнинг ҳолатини барқарорлаштиришдир. Шунини таъкидлаш керакки, касаллик токсик фазанинг биринчи даврида асосий ва назорат гуруҳларида фарқ қилмади. Ушбу даврда даволаш оғриқ синдромини бартараф этишга, гемодинамика ва микроциркуляцияни тўғрилашга, шунингдек секретор фаолиятни сўндиришга қаратилди.

1. Марказий гемодинамика ва периферик қон айланишининг бузилишларини тўғрилаш.

Токсик фазанинг биринчи даврида иккала айланма қоннинг камайиши кўнгил айнаши, қорин орти соҳасига суяқлик, қорин бўшлиғига, ичаклар ичига суяқлик йиғилиши ва электролитларнинг йўқотилиши туфайли юз беради, бу динамик ичак тутилишига одиб келади. Ўткир деструктив панкреатит (ЎДП) бўлган беморларда қон томирлар девори ўтказувчанлиги ошиши натижасида, томир ичи суяқлигининг интерстициал бўшлиғига чиқиб кетади.

Инфузион терапиясининг самарадорлиги критерияларини биз, марказий веноз босимни 90-110 мм сув уст. даражасида ушлаб туриш, соатига камида 35-40 мл сийдик ажралиши, кислота – ишқор мувозанат (КИМ), қоннинг калий ва натрий кўрсаткичларини 3,5 ммоль/л дан паст бўлмаслиги, плазмадаги кальций миқдорини 8 мг/дл (2 ммоль/л) дан паст бўлмаслик даражасида ушлаб туриш.

Инфузия ҳажми, ҳамроҳ патологияни ҳисобга олган ҳолда олиб борилди. Бунда ЖЦ миқдор бўлган беморларда камайтирилди.

2. ООБ секретор активлигининг пасайтириш ва протеазаларни ингибирлаш.

Ўткир деструктив панкреатитнинг (ЎДП) патогенези нуқтаи назаридан, биз ООБ секрециясини соматотроп гормон - Сандостатин ва унинг аналоглари билан пасайтириб турдик. Октреотидни болус ёки тери остига кунига 2-3 марта 100-150 мкг дан 5-7 кун давомида киритишди. Қондаги амилаза концентрациясини камайтириш учун Улинастатин дори воситасини ҳам ишлатишди. Улинастатинни 200 000 МЕ дорини 100 мл 5% глюкоза эритмасида ёки 100 мл 0,9% натрий хлор эритмасида, кунига 2–3 марта 1 соат давомида в/в инфузия қилиб 3–5 кун давомида киритишди.

3. Антибактериал терапия.

Асептик некрозларнинг инфицирланишининг олдини олиш мақсадида, биз кенг спектрли бактерицид таъсирига эга антибиотиклардан (цефалоспоринлар, аминогликозидлар, оғир ҳолларда имипенем) фойдаландик. Ушбу дори воситаларини киритишнинг асосий йўллари мушак

ичига ва венага ичига эди.

#### 4. Дезинтоксикацион терапия

Инфузион терапия – детоксикацион эритмаларни ўз ичига олиб, электролит эритмалари ва гидроксиптил крахмал эритмалари билан 5-10% глюкоза эритмалари киритилди.

Лапароскопия. Ушбу усул биз томонидан фақат ЎДПни диагностика қилиш учунгина эмас, балки ферментатив перитонитда қорин бўшлиғидан суюқликни олиб ташлаш учун ҳам қўлланилди, бу токсик суюқликнинг қонга сўрилишини олдини олиш ва эндоген интоксикацияни камайтириш, бундан ташқари, перитонеал суюқликдаги амилаза миқдорининг ўзгаришига қараб ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини аниқлашда ишлатилди.

Тадқиқот давомида олинган биокимёвий ва инструментал маълумотлар, шунингдек жигарнинг функционал ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, операциядан олдин патогенетик асосли тайёргарлик ва операция вақтидаги, операциядан кейинги асоратларни (жигар етишмовчилигининг прогрессивланиши) олдини оладиган терапияни ишлатишга асос бўлди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, оғир ООБ жароҳат стресс реакциясига олиб келиши ва катта миқдорда эндотоксинлар ва яллиғланиш омилларини ажратилишига, қоннинг ивиш хусусиятининг бузилишига, иммун дисбалансга сабаб бўлиши мумкин, бу ҳолатлар эса сепсисга олиб келади. Шунинг учун жигарни зарарланишдан ҳимоя қилиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш йулларини ўрганиш долзарб вазифа ҳисобланади [10]. Жигар яллиғланишлар оқибатида энг осон зарарланадиган орган ҳисобланади. Эркин радикалларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқарилиши, ишемия ва гипоксия, мембрана оқсилларининг функцияси бузилишига, митохондриялар ва гепатоцитлар мембраналарининг шикастланишига, билирубин секрециясининг бузилишига ҳамда гепатоцитларнинг заҳираси ва транспорти функциясининг бузилишига олиб келади. (Ли Джао 2019й).

Маълумки, ЖЦда митохондриял дисфункция ва тўқималар гипоксиясининг ривожланиши ва АТФ захираларининг камайиши, шунингдек липидларнинг перекис оксидланиши (ЛПО) фаоллашиши, кейинчалик ҳужайра мембраналарининг шикастланиши билан эркин радикалларнинг ҳаддан ташқари шаклланиши билан содир бўлади. Бу эса патогенетик асосланган, антиоксидант хусусиятларга эга препаратларни асосли ишлатишга олиб келади. Бундай дориларга антигипоксанти ва антиоксидант препаратлар Ремаксол ва Глутатион киради.

**Ремаксол** (Санкт-Петербургдаги «Полисан» МЧЖ илмий - технологик фармацевтика компанияси томонидан ишлаб чиқилган). Бу биринчи адеметионинни синтезини стимулловчи биринчи гепатотроп эндогенного адеметионина, бўлиб, анаэроб гликолиз тезлигини ошириш ва НАДни етказиб беришни таъминлаш орқали гепатоцитларнинг ёғли дегенерациясининг намоён бўлишини камайтиради.

Ремаксолнинг фаол компоненти ремаксол – қахрабо кислотаси - бу универсал энергия билан таъминлаш оралиқ, кребс циклининг трикарбон кислота циклининг бешинчи ва олтинчи реакциясининг субстратининг маҳсулотидир.

Ремаксол кунига бир марта 400 мл томир ичига дақиқада 70-80 мл томчи миқдорида қабул қилинади.

**Глутатион** - организмнинг антиоксидант ҳимоясининг муҳим таркибий қисмидир. Жигар метаболик фаол орган бўлганли сабабли, организмнинг детоксификация "лабораторияси" ва кўплаб оксидланиш-қайтарилиш реакциялари содир бўладиган оксиллар, липопротеинлар ва бошқа муҳим молекулаларнинг синтезининг асосийси ҳисобланади. Оксидловчи стресс деярли ҳар қандай жигар патологиясига ҳамроҳ бўлиб, унинг функциялари ва тузилишини бузишнинг асосий омилларидан бирига айланади (Нye-Lin На, ва бошқ., 2010). Липид пероксидациясининг ошиши билан гепатоцитларнинг мембраналари шикастланади, уларнинг прогрессив

ўлими яллиғланиш реакциясини келтириб чиқаради, фиброгенезни фаоллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Глютатион - бу инсон организмида топилган эркин аминокислота [15], у глюкозадан *in vivo* ҳолатда айлана олади, бу мушаклар ўсишни кучайтиради, мия фаолиятини яхшилади ва иммунитетни оширади [16]. Бироқ, оғриқли ҳолатларда глютаминга бўлган эҳтиёж ошади ва организм уни организмнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдорда синтез қила олмайди [17].

Одатда, эркин радикаллар ва кам оксидланган метаболит маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши биокимёвий реакциялари организмда доимий равишда содир бўлиб туради. Бунда организмдаги баланс - антиоксидант ферментлар томонидан сақланади, улар юқори оксидланиш потенциалига эга бўлган молекулаларни зарарсизлантириши мумкин. Организмда антиоксидант ҳимоясининг тўртта линияси мавжуд бўлиб, улар кейинчалик реактив кислород турларини (эркин радикалларни), ёғ ва оксил пероксидацияси маҳсулотларини тиклайди. Кучли детоксификация таъсирига эга бўлган асосий ҳужайра ичидаги антиоксидант глутатион ҳисобланади.

Аслида глутатион ва бошқа учта ферментни (глутатион пероксидаза, глутатион трансфераза ва глутатион редуктаза) ўз ичига олган глутатион тизими - танадаги тўрттадан учта ҳимоя чизигида қатнашадиган ягона тизимдир. Тузилиш жиҳатдан - глутамин, цистеин ва глицин аминокислоталаридан иборат трипептид.

Глутатион 1,2-2,4 г да 0,9% физиологик эритмада вена ичига томчилатиб 5-7 кун давомида юборилади.

**Улинастатин.** Яна бир замонавий препаратлардан бири бу - Улинастатин. Улинастатин - кунитц туридаги серин протеазаларнинг поливалентли ингибитори бўлиб, инсоннинг сийдиги ва қонида аниқланган. Улинастатин яллиғланиш маркерларини, трипсинни, ошқозон ости беши эластазасини, полиморфонуклеар лейкоцит эластазасини ва ўсма некрози омили альфа - (ЎНО), интерлейкинлар - IL-1, IL-6, IL-8 ишлаб чиқарилишини

тўхтатади. Улинастатин - коагуляцияни ва фибринолизни ингибирлайди, микроперфузияни яхшилади, лизосомал мембраналарни барқарорлаштиради ва эркин кислород радикалларининг ишлаб чиқарилишини камайтиради.

Улинастатин турли гидролазлар фаолиятини ва яллиғланиш медиаторларининг ортиқча чиқарилишини тўхтатади, микроциркуляцияни ва тўқима перфузиясини яхшилади.

У систем яллиғланиш реакцияси синдромининг (SIRS) ривожланишини блоклайди ва ҳаётий муҳим органларнинг функциясини химоя қилади; трипсин, тромбин, химотрипсин, калликреин, плазмин, эластаза, катепсин ва Ха, XIа, XIIа факторлари каби турли серин протеазларининг фаолиятини блоклайди.

Улинастатин маҳаллий яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади ва трипсиннинг протеолитик фаолиятини тўқималарга, айниқса ошқозон ости беzi тўқимасига нисбатан тормозлайди.

Улинастатин ЎП натижасида юзага келадиган яллиғланиш реакциясини камайтиради, серин протеазларининг фаолиятини пасайтириб, органни шикастланишдан сақлайди.

Улинастатин яллиғланиш протеазларининг, жумладан трипсин, химотрипсин, плазмин, катепсин G ва лейкоцитлар эластазасини, шунингдек коагуляция каскадидаги протеазларни фаоллигини бостиради.

Қўлланиши: флакон таркибий қисми 100 мл 5% глюкоза суюқлигига ёки 100 мл 0,9% натрий хлориди суюқлигига аралаштириш керак. ЎП да 200 000 МЕ препаратни кунига 2-3 марта 1 соат давомида в/и инфузия орқали 3-5 кун давомида юборишади. Дозани беморларнинг ёши ва аломатларнинг оғирлигига қараб тўғрилайдилар.

Бундан ташқари, тадқиқотлар кўрсатишича, улинастатин микроциркуляцияни яхшилаётгани олади ва эркин кислород радикалларини нейтраллаётгани олади, бу эса хужайраларнинг шикастланишини муҳим даражада

назорат қилишга ва беморларнинг жигар функциясини ҳимоя қилишга ёрдам беради [18].

Бизнинг фикримизча, улинастатин ва глутатионнинг биргаликда қўлланилиши катта самара бериши мумкин. Бу тахминни тасдиқлаш учун, ЎПга чалинган ва ЦП фонида бўлган беморларда улинастатиннинг глутатион билан биргаликда клиник самарадорлиги таҳлил қилинди ва ўрганилди. Даволашдан кейин асосий гуруҳда жигар функцияси ва амилаза кўрсаткичлари пасайган, бундан фарқли ўлароқ назорат гуруҳида бу пасайиш кейинроқ кузатилди.

Икки гуруҳдаги беморларда ҳам жигар функцияси ва амилаза кўрсаткичлари ўлчанди. Натижалар: асосий гуруҳидаги беморларда кориннинг дам бўлиши ва оғриқларининг камайиши, биринчи дефекациянинг ва ичак перистальтикасининг тезроқ яхшиланиши кузатилди.

Асосий гуруҳ беморларида ЖЦ фонида ЎП ривожланиши жигар етишмовчилигининг активланишига олиб келди, бу билирубин, АЛТ, АСТ, мочевина миқдорининг кўтарилиши, умумий оқсил, ПТИ пасайиши билан кечди.

#### 4.1-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида қон биокимёвий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	I-назорат гуруҳ (n=120) суткалар			II - асосий гуруҳ (n=128) суткалар		
	1-кун	5- кун	10- кун	1- кун	5 - кун	10 - кун
Умумий билирубин ммол/л	21,4±0,7	20 ±1,2	21±1,5	32,0±1,6	28±10,24	21±5,5
Бевосита билирубин ммол/л	11,8±0,4	10±0,6	11±0,4	17,8±0,8	15±2,2	9,6±0,7
АЛТ ед/л	42,3±6,4	46 ±2,3	48±2,8	132,3±11	162,2±12,3	60±6,7



АСТ ед/л	46,4±4,0	45,2±8,3	46±4,2	98,8±16	135,3±8,3	50±4,1
Мочевина ммол/л	6,3±0,3	12±1,8	8±0,7	8,8±1,25	12±1,8	5±0,5
Амилаза	660 Ед/л	880±110	660±55	720 Ед/л	100±110	220±55
Оқсиллар г/л	75,4±0,8	65,7±1,2	55±0,7	70,2±1,0	62,2±1,7	67,3±1,5
ПТИ (%)	95,0±2,1	92,2±2,2	95,1±2,8	75,8±1,5	78,5±2,2	85,5±2,5
тромботест	IV-V	V	IV-V	IV	III	IV

Асосий гуруҳ беморларига анъанавий даволаш билан бир қаторда жигар функционал ҳолатини яхшилаш мақсадида Ремаксол, Глутатион ва ЎП даволаш мақсадида Улинастатин препарати тавсия қилинганидан сўнг тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги беморларда 5 суткаларга келиб АЛТ, АСТ, умумий билирубин кўрсаткичлари пасая бошланди ва 10 суткаларга келиб норма даражасигача пасайди, назорат гуруҳи кўрсаткичлари даражаси амилаза миқдори юқори кўрстагичларда турди. (жадвал 4.1).

ЎПда қондаги амилаза даражаси одатда анча ошади. Бу ҳолатнинг асосий диагностика маркерларидан биридир. Амилаза даражасининг ошиши одатда панкреаснинг яллиғланиши бошланганидан кейин бир неча соат ичида кузатилади ва бир неча кун давомида юқори қолиши мумкин. Асосий гуруҳ беморларида ЖЦ фонида ЎП ривожланганда жигарнинг функционал ҳолатига ва ЎП лаборатор кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатганини кўришимиз мумкин.

Назорат гуруҳида мочевина кўрсаткичлари 12±1,8 дан 8±0,7 ммол/л гача ва асосий гуруҳда 12±1,8 дан 5±0,53 ммол/л гача пасайди. Асосий гуруҳда даволанишнинг 10 кунига келиб нормал даражаларга келди.

Текширишларимизда кичик гуруҳ беморларда назорат гуруҳида (n=24) беморда, асосий гуруҳ беморларидан (n=24) тасида липидлар перекис оксидаланиши маҳсулотлари кўрсаткичлари, малон диалдегит кўринишида ва супероксиддисмутаза иккла гуруҳда ҳам таҳлили олиб борилди. Назорат гуруҳидаги малондиалдегид даражаси 5,1±0,07 дан 6,3±0,05 гача ўзгариб

туришини аниқладик. Асосий гуруҳда Ремаксол ва Глутатион фониди жуда юқори даражада қолди ва ўртача  $3,20 \pm 0,05$  тенг эди, бу нормага қараганда 14% юқори, аммо назорат гуруҳига қараганда 20% паст кўрсаткичларни берди (4.2-жадвал).

#### 4.2-жадвал

### ЎП нинг ЖЦ фонда кечишида Улинастатин, Ремаксол ва Глутатион препаратлари ишлатилганда даволашдаги ва операциядан кейинги даврда ЛПО га таъсири ва антиоксидант ҳимоя кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Норма	Назорат гуруҳи (n=24)		Асосий гуруҳ билан (n=26)	
		Даволашдан олдин	Даволашдан сўнг	Даволашдан олдин	Даволашдан сўнг
МДА ммол/л	0,5–2,5 мкмоль/л	5,5±0,07дан 6,7±0,05гача	4,2± 0,1	6,8±0,06 дан 7,9±0,07 гача	4,1±0,05
СОД ань/бирлик	10-15 Ед/л	8,4±0.3 дан 6,2±0.2 гача	10,4 ±0,4	8.2±0,3 дан 5.9±0,2 гача	15,6±0,3

Барча беморларда жигар дисфункцияси жигар - хужайралари етишмовчилиги синдроми сифатида кечди. Бироқ, ИЕС ривожланган ҳолда, ичакдан ортиқча миқдордаги токсик моддалар портал қон оқимида тушади. Бу эса ўз навбатида гепатоцитларда бир қатор патологик жараёнларни активлаштиради, шу жумладан липид пероксидациясини фаоллаштиради. Липидларнинг перекис оксидланиши (ЛПО) маркерларидан бири бу – малон диалдегиди (МДА) дир.

Беморларда даволанишнинг 5 куниди ва тузалишдан кейин қон таҳлилида МДА миқдори аниқланди. Бунда назорат гуруҳида 5 куниди  $6,7 \pm 0,05$  дан  $4,2 \pm 0,1$  гача, асосий гуруҳда эса  $7,9 \pm 0,07$  дан  $4,1 \pm 0,05$  гача МДА концентрациясини пасайиши кузатилди.

Супероксиддисмутаза (СОД)- цитозол ва митохондрияда мавжуд бўлган фермент бўлиб, антиоксидант функцияларини бажаради, агрессив

супероксид анион радикалини нейтраллайди ва барқарорроқ водород пероксид ҳосил қилади. Бу антиоксидант тизимнинг асосий ферментларидан биридир. Ушбу фермент кислород истеъмол қиладиган барча ҳужайраларда мавжуд ва антиоксидант ҳимоясида энг муҳим бўғин ҳисобланади. Жигар касалликларида унинг концентрацияси пасая боради.

Назорат гуруҳидаги СОД даражаси  $8,4 \pm 0,3$  дан  $6,2 \pm 0,2$ , 5 кунга келиб консерватив терапиядан сўнг унинг кўрсаткичлари  $10,4 \pm 0,4$  гача кўтарилди. Асосий гуруҳда эса Ремаксол ва Глутатион фониди  $8,2 \pm 0,3$  дан  $5,9 \pm 0,2$  гача, 5-кунга келиб  $15 \pm 0,3$  ни ташкил қилди, бу нормада 11,4% паст лекин назорат гуруҳидаги кўрстагичларда 66% баланд эди (жадвал 4.2.).

Асосий гуруҳ беморларида, назорат гуруҳига нисбатан ўрта массали молекуляр пептидларнинг аниқ пасайган даражаси, жарроҳликдан олдинги даврдан бошлаб кузатилади. Худди шу натижалардаги фарқлар жарроҳликдан кейинги давр давомида ҳам сақланиб қолади.

Шундай қилиб, ЖЦ фониди ЎТХ комплекс даволашда стандарт консерватив терапияга кўшимча равишда Ремаксол, Глутатион ва Улинастатин препаратларни ишлатиш жигар фаолиятига, ошқозон ости беши яллиғланиш махсулотларига ва ЛПО жараёнларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Биз ўрганилган кўплаб кўрсаткичларда терапиянинг муҳим фойдали таъсири 5-6 кун ўтгач қайд этилганлигини таъкидлаймиз.

Асосий гуруҳ беморларида даволанган клиник ҳолатни кўриб чиқамиз: Бемор К.А 1975 йил туғилган. 11.12.2023 йил қабулхона бўлимига эпигастрал соҳасидаги кучли огриқларга, кўнгил айниш, қусишга шикоят қилиб келди.



Анамнездан ўзини 1 суткадан бери касал деб ҳисоблайди. Касаллигини ёғли овқат ва спиртли ичимлик қабул қилгани билан боғлайди.

Келганда беморнинг умумий ахволи оғир. Эс ҳуши карахт. Териси ва юза шиллиқ пардалар сарғиш рангда. Ўпкасида ҳар иккала томонда везикуляр нафас. Юрак тонлар аниқ. АҚБ 100/60 мм. сим. уст. пулс 120 минутига ритмик.

Тили қуруқ, қорин дам, нафас актига суст қатнашади. Палпацияда қориннинг ҳамма қисмида оғриқ, кўшимча оғриқ ва мушаклар таранглиги қориннинг юқори соҳаларида. Ичаклар перистальтикаси суст. Перкуссияда қориннинг барча соҳаларида тимпанит. Шеткин-Блюмберг симптомлари манфий. Сийиш катетер орқали. Ич ўтиши бўлмаган.

Локал. Киндик атрофида Кулен симптомига хос ўзгаришлар, Керте, Воскресенский симптомлари мусбат.

Қон таҳлилларидан: ГБ - 90 г/л, эрит.- $3,4 \times 10^{12}$ , РК – 0,9, лейкоцитлар –  $10,2 \times 10^9$ /л, ЭЧТ – 5мм.соат., ҚИВ: Бош:  $2^{55}$  Тугаш:  $3^{45}$ . Биохимик текширишлар – қанд миқдори – 10,1 ммоль/л, мочевина -6,4 ммоль/л, креатинин – 52,1 мкмоль/л, умумий билирубин – 178 мкмоль/л., шундан боғланган – 80 мкмоль/л, АЛТ – 120 Ед/л, АСТ – 105 Ед/л, Амилаза 1100.

УТТ: ООБ катталашган, бош қисми 30мм, тана 36мм катталашган.

Чарви халтасида эркин сууюқлик аниқланади. ООБ тана қисмида деструкция белгилари аниқланади. Қорин бўшлигининг бошқа қисмида эркин сууюқлик йўқ.

МРТ – хулосасида жигарнинг диффуз ўзгаришлари ва жигар ҳажмининг катталашиви аниқланади.

Ташхис: Асосий: Ўткир панкреатит оғир даражаси. Конкурент касаллик. ЖЦ компенсациялашган (Чайл-Пью А). Асорати: Жигар етишмовчилиги синдроми II даража (ЖЕ), паралитик ичак тутилиш синдроми (ИЕС). Эндоген интоксикация синдроми II.

Беморга стандарт ўтказиладиган даволашга қўшимча равишда, Улинастатин, Ремаксол ва Глутатион препаратлари ўтказилди. Бемор касалхонада ётоқ кунлари 18 кунни ташкил қилди. Бемор нисбатан қониқарли ахволда хирург ва гепатолог назоратига юборилди.

**§ 3.3. Ичак етишмовчилиги синдроми (ИЕС), эндоген интоксикация синдроми (ЭИС) ва инфицирланган панкреонекроз (ИП) ривожланиш кўрсаткичларга қараб асосий гуруҳ беморларида даволаш натижаларини таҳлил қилиш.**

Сўнги йиллар давомида ЎП натижасида, эндоген интоксикация синдроми, инфекцияланган панкреонекроз ва полиорган етишмовчиликлар патогенезида ичак етишмовчилиги синдромининг (ИЕС) роли ўрганилиб келинмоқда. Кўплаб тадқиқотчилар фикрига кўра, ИЕС патологик симптомокомплекс бўлиб, у ичак функцияларининг бузилиши билан бирга келиб, махсус ичак ичи ва ичакдан ташқи таъсирлар билан намоён бўлиши, бу эса панкреатитнинг клиник-морфологик шакли ва ошқозон ости беги тўқималарининг шикастланиш даражасига боғлиқ эмас деган фикрлар бор [1, 3, 5]. Шунингдек, ИЕС, системали эндотоксикоз ва инфекцияланган панкреонекроз пайдо бўлиши ўртасида патогенетик боғлиқлик мавжуд, бу оғир деструктив панкреатит учун хос бўлган турли хил асоратларнинг ривожланишига олиб келади, бу асоратлар жарроҳлик даволашни талаб

қилади. ЎПнинг бир бирига боғлиқ бўлган асоратлар занжири ва унинг пайдо бўлишининг олдини олиш, даволаш борасидаги масалалар ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаган. Системали асоратларнинг олдини олиш ва даволаш учун янги дори препаратларининг комбинациялари қўлланилиши бўйича изланишлар давом этмоқда.

Юқорида айтилган системали асоратларининг ривожланишида жигарнинг роли жуда муҳим. ЎПнинг ЖЦ фонида ривожланиши, бемор учун ҳаёт учун хавfli бўлиб, ушбу асоратларнинг ривожланиш хавфини янада оширади. Ўз навбатида, ЎПда ИЕСнинг патогенези мураккаблиги бугунги кунгача унинг даволаш, айниқса профилактикаси масалаларини жуда мураккаб ва ечимдан узоқ қилиб қўймоқда.

Асосан, панкреатик ёки перипанкреатик тўқиманинг инфекцияланиши ички бактериал транслокация (БТ) орқали содир бўлиши айтилади (Fritz et al., 2010). Шу тариқа, ЎПда ичакнинг БТ механизмлари сўнгги йилларда катта қизиқиш уйғотадиган мавзуга айланди.

Назорат ва асосий гуруҳ беморларида ичак етишмовчилиги синдроми (ИЕС) ривожланишини таҳлил қилиш уларда ривожланадиган ичак парезига ва қорин бўшлиғидаги босимнинг ошишига қараб баҳо берилди.

#### 4.3-жадвал

#### Иккали гуруҳда ичак етишмовчилиги синдроми ривожланиш частотаси (n = 248)

Боскич	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	I – гуруҳда ИЕС	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)	II – гуруҳда ИЕС
Шишли	90 (75%)	<b>22 (16%)</b>	91(71%)	<b>35 (38,4%)</b>
Стерил панкреонекроз	18(15%)	<b>7 (43%)</b>	15(11,7%)	<b>12 (80%)</b>
Инфицирланган панкреонекроз	12(10%)	<b>8(66%)</b>	22 (17,2%)	<b>18(82%)</b>

Жами:	120 (100%)	<b>37(30,8%)</b>	128(100%)	<b>65(50,7%)</b>
-------	------------	------------------	-----------	------------------

Юқоридаги 4.3- жадвалда, иккала гуруҳ беморларида ўтказилган стандарт терапия (назорат гуруҳ беморлари) ва биз таклиф қилган препаратлар ишлатилиши натижасида, касалликнинг клиник ривожланиши ва стрел кейинчалик эса инфицирланган панкреонекроз ривожланиш натижалари кўрстайб ўтилган. Асосий гуруҳ беморларида ИЕС ичаклар парези сифатида намоён бўлиб, назорат гуруҳига нисбаттан кўпроқ ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Беморларда 1 чи кунларда, шишли формада назорат гуруҳида - 22(16%), асосий гуруҳда - 35(38,4%) беморни ташкил қилди. Касалликнинг аксарият беморларнинг 1-2 ҳафталарида стерил ва инфицирланган панкреонекроз ривожланди. Бунда назорат гуруҳида 7 (43%) беморда, асосий гуруҳда 12(80%) ИЕС сақланди. Бу кўрсаткич бўйича асосий гуруҳ беморларида, назорат гуруҳига нисбаттан 2 баравар кўплиги аниқланди. Инфицирланган панкреонекроз ва ИЕС назорат гуруҳида 8(66%) ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳда 18(82%) ташкил қилди (4.3-жадвал).

Иккала гуруҳ беморларида ривожланган эндотоксикозни кўрганимизда, I даражаси ўртача 73 (29%) ташкил қилган бўлса, II-III даражаси 71% ташкил қилди. Гуруҳларда эндотоксикоз ривожланиши бўйича тақсимланганлиги келган беморларнинг биринчи кунларида олинган натижалари ифодаланган (4.4-жадвал).

#### 4.4-жадвал

##### I-II гуруҳларда эндотоксикоз даражасига қараб тақсимланиши

Даража	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦсиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан)	Жами
I.	33(27,5%)	40(31,3%)	73 (29,4%)
II.	66(55%)	65(50,7%)	131 (53%)
III.	21(17,5%)	23(18%)	44 (17,6%)

Жами	120(100%)	128(100%)	248(100%)
------	-----------	-----------	-----------

ЎПда ривожланадиган яллиғланиш жараёнларининг прогрессивланиши эндотоксикозни оғирлаштириши, хусусан ИЕС да микроорганизмларнинг ва улар метоболитларининг қон оқимиға ва ошқозон ости беzi атроф тўқималарига тушиши ва йирингли жараёнларнинг авж олиши билан характерланади. Юқорида кўрсатилганидек, ИЕС асосий сабабларидан ва ривожланиш кўрсаткичлари булар: бу ичакнинг мотор, эвакуатор, секретор, ҳазм қилиш, сўрилиш ва тўсиқ функцияларининг бузилиши. Бу ҳолат клиник жиҳатдан яққол ривожланган ичак парези билан характерланади.

Бажарилган комплекс чора тадбирларға қарамасдан, ИЕС асосий гуруҳда ривожланган беморларни жигарнинг функционал ҳолатини ҳисобға олган ҳолда даволаш эффективлиги Чайлд-Пью шкаласи кесимида таҳлил қилинди. Бунда ичаклар парези ва ИЕС фақат Чайлд-Пью бўйича В ва С (суб ва декомпенсация босқичлари) классларида ривожланганлиги кўринди. Чайлд-Пью В классда - 17(13,3%), С классда - 41(32%) та кузатилди. Чайлд-Пью бўйича С классдаги беморларда, Чайлд-Пью В классдаги беморларға нисбаттан 2 баравардан кўп кузатилди. Чайлд-Пью бўйича А класс беморларида фақат 7(5,5%) беморда ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Жами бу гуруҳдаги беморларнинг 65(50,7%) ИЕС ривожланди. Назорат гуруҳи беморларида бу кўрсаткич 37(30,8%) ташкил қилди ва асосий гуруҳ беморларидан 1,6 марта камроқ бўлди( 4.4-расм).

Назорат гуруҳи беморларида 37(30,8%) беморда ИЕС ривожланганлигини ва асосий гуруҳдаги ЎП нинг компенсирланган ЖЦ фониди (Чайлд-Пью А класс) 7(5,5%) ривожланганлигини таққослаш мумкин. Асосий гуруҳдаги ўтказилган асоратларнинг профилактик ва даволаш ЎП нинг ЖЦ Чайлд-Пью А компенсациялашган беморларда самарадорлиги айниқса яққол кўрилди( 4.5-жадвал).

Шунда қилиб, асосий гуруҳ беморларида ЎПнинг ўрта оғир ва оғир формаларини ЖЦ фониди ривожланиши системали эндотоксикоз



ривожланиши оқибатида беморларнинг 65(50,7%) тенг ярмида ичкалар парези ва ИЕС ривожланди.

Бу асосан ЖЦ Чайл-Пью В ва С класслари орасида яққол намоён бўлди. ООБнинг инфицирланиш даражаси назорат гуруҳида 8(66%) ва асосий гуруҳда 18(82%) ташкил қилди.

Бу ҳолат ЎП ЖЦ декомпенсация босқичларида келса ИЕС, микробларнинг транслокацияси ва инфицирланган панкреонекроз ривожланиши яққол ривожланиши мумкинлигини кўрсатади.

#### 4.4-жадвал

### II - Асосий гуруҳ беморларида жигар функционал ҳолатидан келиб чиқиб ИЕС нинг ривожланиши натижалари

жигар функционал ҳолатидан келиб чиқиб ИЕС нинг ривожланишига кўра	ЎП + ЖЦ Чайл-Пью функционал ҳолати			ИЕС (n=65)
	А класс	В класс	С класс	
	32(25%)	51(40%)	45(35%)	
Шишли	-	7	28	35 (27,3%)
Стерил панкреонекроз	3	6	3	12 (9,3%)
Инфицирланган панкреонекроз	4	4	10	18(14%)
<b>Жами</b>	<b>7(5,5%)</b>	<b>17(13,3%)</b>	<b>41(32%)</b>	<b>65(50,7%)</b>

Лекин ЎП ЖЦ компенсирланган давридаги беморларда ИЕС ривожланишига қарши Ремаксол, Глутатион, Улинастатин препаратлари ва эрта энтерал озиклантириш ишлатганда, назорат гуруҳидаги (яъни ЖЦ бўлмаган) беморлардан нисбаттан камроқ кузатилганини кўришимиз мумкин.

#### § 4.4. Назорат ва асосий гуруҳ беморларида ЎП билан касалланган

## **беморларни жарроҳлик даволаш усуллари ва уларнинг натижалари**

Юқоридаги бобларда ЎП ривожланиши, сабаблари, патогенези, текшириш усулларига алоҳида эътибор берилди.

Айниқса алоҳида гуруҳ қилиб, асосий гуруҳ беморлари (n=128) олинган бўлиб, бунда ЎПнинг ЖЦ фонида кечиши, унинг учраш эҳтимоллиги, ўзига хос клиник симптоматикаси, замонавий инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратлар ва унинг сабаблари ҳақида айтиб ўтилди.

ЎПнинг ЖЦ фонида ривожланиши ва ундаги билиар ва алкоголь ичимликларнинг сабаб сифатидаги роли ҳақида кўрсатилган, яъни ЖЦ бўлган беморларда ўт тошларининг аниқланиши ва унинг сабаб сифатида келиши кўпроқлиги аниқланди.

ЎП нинг ЖЦ фонида кечишида ичак етишмовчилиги синдроми (ИЕС), ошқозон ости беzi (ООБ) ва атроф тўқималарини инфицирланиш эътимоллиги, ЖЦ бўлмаган беморларда кўпроқ бўлиши аниқланди.

ЎПнинг ЖЦ фонида кечишида эндоген интоксикация синдромининг ривожланиши даражаси беморлар мурожаат қилганда бир хил кўрсаткичларга эга бўлишган. Касалликнинг ривожланиши билан асосий гуруҳ беморларида эндоген интоксикация, ИЕС ва бу билан боғлиқ бўлган микроблар транслокацияси, инфицирланиш жараёнлари кўпроқ кузатилиш тенденцияси кузатилди.

Асосий гуруҳ беморларида, таклиф қилинган стандарт терапиядан ташқари Глутатион, Ремаксол ва Улинастатин препаратлари қилинганлигига қарамасдан ЎП ўрта оғир ва оғир кечиши беморларида эндоген интоксикация, ИЕС ва инфицирланиш ҳолатлари, назорат гуруҳидаги беморларга нисбаттан кўпроқ кузатилди.

Айниқса, ЎПнинг ЖЦ фонида кечишида жигарнинг функционал ҳолати Чайлд-Пью бўйича В ва С бўлган беморларда (субкомпенсация ва

декомпенсация стадияларида) юқорида зикр қилинган асоратлар яққол ривожланди.

Иккала гуруҳ беморларининг жами 248 та бемор даволанган бўлса, шулардан назорат гуруҳидаги беморларнинг 21(17,5%) тасида оператив ёндашув, асосий гуруҳнинг 23(18%) турли хилдаги оператив амалиётлар бажарилди.

Назорат гуруҳида операция қилинган беморлар: 10(8,3%) - ЛХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш; 7 (5,8%) беморда - Лапаратомия. ТХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш. Кер бўйича холедохостомия; 4(3,3%) беморда – Лапаратомия. Чарви халтаси ва қорин орти соҳасини дренажлаш, тампонлаш ва қонаётган томирларни тикиш, программалаштирилган лапаратом санациялаш операциялари ўтказилган.

Асосий гуруҳида операция қилинган беморлар: 17 (13,3%)- ЛХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш; 2(1,5%) - Лапаратомия. ТХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш. Кер бўйича холедохостомия; 4 (3,1%)– Лапаратомия. Чарви халтаси ва қорин орти соҳаси абсцессини дренажлаш, тампонлаш ва қонаётган томирларни тикиш, программалаштирилган лапаратом санациялаш операциялар ўтказилди (4.5-жадвал).

Назорат гуруҳидаги 120 бемордан - 24(20%) да ЎП келиб чиқишида ЎТК ва унинг асорати холедохолитиаз сабаб бўлган. 62 (52%) да алкоғолли этиология ва 34 (28%) беморда алиментар сабаб бўлган.

#### 4.5-жадвал

##### Тадқиқот гуруҳларида жарроҳлик аралашувларнинг табиати

Операция усуллари	I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)	II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)
-------------------	---	--

ЛХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш	10(8,3%)	17 (13,3%)
Лапаратомия. ТХЭК. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш. Кер бўйича	7 (5,8%)	2(1,5%)
Лапаратомия. Чарви халтаси ва қорин орти сохаси абсцессини дренажлаш, тампонлаш ва қонаётган томирларни тикиш, программалаштирилган	4(3,3%)	4 (3,1%)
<b>Жами</b>	<b>21(17,5%)</b>	<b>23(18%)</b>

Асосий гуруҳ беморларида 128 бемордан - 45(35%) ЎП келиб чиқишида ЎТК ва унинг асорати холедохолитиаз сабаб бўлган. 53(42%) да алкогольли этиология ва 30(23%) беморда алиментар сабаб бўлган.

Асосий гуруҳ беморларида операцияга кўрсатма бўлганда иложи борица миниинвазив усулда лапараскопик 17(13,3%) усулда бажаришга ҳаракат қилинди.

Бундан кўринадики асосий гуруҳ беморларида яъни турли даражада ривожланган ЖЦ бор беморларда ЎП га сабаб сифатида келган ЎТК назорат гуруҳига нисбаттан 2 барабар статистик жиҳатдан аниқликда кўп. Қолган ЎП этиологик сабаблари деярли бир бирига яқин кўрсаткичларга эга бўлди.

Операция қилинган беморларнинг интраоперацион ЖЦ формасини ажратишда Жаҳон жигар касалликларини ўрганиш ассоциацияси (Акапулько 1974) таснифига асосланган ва ЖССТ (1978) томонидан қабул қилинган классификация бўйича фарқланди.

Бунга кўра, жигарнинг макронадуляр циррозида қаттиқ деформация мавжуд бўлади, унинг юзасида тугунлар 3 мм дан катта бўлиб, улар орасида чандиқ бириктирувчи тўқима толалари жойлашган бўлади. Микроскопик

равишда турли хил катталиқдаги псевдобўлакчалар пайдо бўлиши, постнекротик чандиқ иплари сабабли портал триадаси ва жигар марказий вена томирларнинг деформацияси қайд этилади.

Операция қилинган 23(18%) беморларнинг интраоперацион ЖЦ аниқланганлиги макронодуляр цирроз 12(9,3%), микронодуляр цирроз 11(8,7%) аниқланди.

#### 4.6-жадвал

#### Гуруҳларда операция қилинган беморларнинг деструктив панкреатитнинг шакллари бўйича тақсимланиши

Деструктив панкреатит шакли	Назорат гуруҳи n=21 (100%)	Асосий гуруҳ n=23 (100%)	Жами
Ёғли панкреонекроз	3(14%)	5(21,7%)	8(18,2%)
Геморрагик панкреонекроз	5(24%)	10(43,5%)	15(34%)
Аралаш панкреонекроз	13(62%)	8(34,8%)	21(47,7%)
<b>Жами</b>	<b>21(100%)</b>	<b>23(100%)</b>	<b>44(100%)</b>

Интраоперацион ўткир панкреонекроз шакллари таҳлил қилганда ёғли панкреонекроз назорат ва асосий гуруҳларда тенг равишда 3(14%), 5(21,7%) ни, Геморрагик панкреонекроз тенг равишда 5(24%), 10(43,5%)ни ва аралаш панкреонекроз тенг равишда 13(62%), 8(34,8%)ни ташкил қилди ( 4.6-жадвал). Бунда кўринадиган ҳолат шуки, асосий гуруҳ беморларида геморрагик панкреонекроз 2 барабар кўп кузатилди. Бизнинг фикримизга кўра бу ҳолат ЖЦ бўлган беморларда қондаги гемореологик ва ивиш системасининг издан чиқиши сабаб бўлиши мумкин.

Гуруҳлар бўйича ўлим кўрсаткичлар: Назорат гуруҳида, шишли босқичда ўлим 4(3,3%), стерил панкреонекроз даврида 11(9,1%) ва инфицирланган панкреонекроз 6(5%) ни ташкил қилди.

#### 4.7-жадвал

**Панкреонекроз босқичлари бўйича ўлим кўрсаткичларининг  
тақсимланиши**

<b>Босқич</b>	<b>I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120)</b>	<b>II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)</b>	<b>Жами</b>
Шишли босқичда	4(3,3%)	3(2,3%)	3(6,8%)
Стерил панкреонекроз	11 (9,1%)	8 (6,2%)	19(43,2%)
Инфицирланган панкреонекроз	6(5%)	12 (9,3%)	22(50%)
Жами	21(17,4%)	23(18%)	44 (100%)

Асосий гуруҳда шишли босқичда 3(2,3%), стерил панкреонекроз даврида - 8(6,2%) ва инфицирланган панкреонекроз 12 (9,3%) беморда ўлим кузатилди. Иккала гуруҳда ҳам жами 21(17,5%) ва 23(18%) кузатилди. (жадвал 4.7).

Гуруҳларда касалликнинг асоратлари ва ўлим кўрсаткичларини таҳлили 4.8- жадвалда келтирилган.

Жами иккала гуруҳдаги ўлим кўрсаткичлари 4.7- жадвалда кўрсатилган бўлиб, назорат гуруҳида жами касалликнинг ҳар хил босқичларида 21(17,4%) бемор ўлган.

**4.8-жадвал**

**Иккала гуруҳ беморлардаги панкреонекроз сабабли асоратлар  
кўрсаткичлари ва ўлим сабаблари (ЎП, ЖЦ билан n=46)**

<b>Панкреонекроз асоратлари</b>	<b>Миқдор и</b>	<b>I - назорат гуруҳ (ЎП, ЖЦ сиз n=120) (ўлим)</b>	<b>II - асосий гуруҳ (ЎП, ЖЦ билан n=128)</b>	<b>Жами улим ҳолати (n=44)</b>
-------------------------------------	---------------------	--	---	--

Панкреатоген шок ва ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги	20	12 (6%)	8 (3%)	9 (20,4%)
ўткир гепаторенал синдром	21	12 (4%)	9 (5%)	9 (20,4%)
Ферментатив ва йирингли перитонит, ИЕС билан	38	<b>18 (9%)</b>	<b>20 (10%)</b>	19 (43,2%)
Парапанкреатик клетчаткадан аррозив	6	3 (2%)	3 (2%)	4 (9%)
ҚВҚВ дан қон кетиш	3	-	<b>3 (3%)</b>	3 (6,8%)
Ошқозон ва 12 бармоқли ичак ўткир яраларидан қон кетиш.	15	<b>10 (-)</b>	<b>5 (-)</b>	-
<b>Жами- 248 та бемор</b>	<b>103</b>	Ўлим = 21 (17,5%)	Ўлим = 23 (18%)	Ўлим = 44

Қасаллик босқичлари қесимида ва қасалликнинг асоратлар қесимида қуйидагича қўринишга қелди.

Назорат гуруҳида: қасалликнинг бошланғич шишли босқичида панкреатоген шокдан 4(3,3%) бемор, стерил панкреонекроз ҳолатида 11 (9,1%) бемор (ЎЮҚТЕ 2 та бемор, гепаторенал синдром 4 та, ферментатив перитонит ПОЕ 5 та бемор) вафот этди. Инфицирланган панкреонекроз даврида яъни қасалликнинг 3-4 хафталарида 6(5%) та бемор (йирингли перитонит ва сепсисдан 4 ва парапанкреатик клетчатка йирингли яллиғланиши қон томирлардан аррозив қон кетишдан 2 та) бемор вафот этди (4.8-жадвал).

Асосий гуруҳида: қасалликнинг бошланғич шишли формасида панкреатоген шокдан 3(2,3%) бемор, стерил панкреонекроз ҳолатида 8 (6,2%)

та бемор (буйрак-жигар етишмовчилигидан 5 ва ЎЮҚТЕ 3 та бемор) вафот этган. Инфицирланган панкреонекроз даврида яъни касалликнинг 3-4 хафталаарида 12(9,3%) бемор (йирингли перитонит ва сепсисдан 7, парапанкреатик клетчатка йирингли яллиғланиши қон томирлардан аррозив қон кетишдан 2, ҚВВҚ кетишдан 3 та) вафот этди.

Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида фон касаллиги ЖЦ бўлсада, гуруҳлардаги асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари статистик жиҳатдан бир хил кўринишга эга бўлди. Гарчи бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, шифохонага ётқизилган ЎП билан беморлар орасида, ЖЦ бўлган беморларда стационар ўлим даражаси юқорирак бўлган бўлсада, бу фикримизча, ЖЦ нинг асоратлари ва портал гипертензияси билан боғлиқ. Асосий гуруҳ беморларда 3 та беморда ўлим ҚВВ қон кетишдан кузатилди.

Биз юқори ўлим кўрсаткича ЖЦ ва портал гипертензиянинг асоратлари билан боғлиқ бўлиши мумкинлигига тўхталдик, бу ЖЦ беморларда ошқозон-ичакдан қон кетиш, шок ва сепсиснинг юқори даражаси билан боғлиқ.

ЖЦнинг ЎПнинг патофизиологиясига таъсири кўп қиррали. ЖЦ бўлган беморларда ЎПни ташхислашда ва даволашда тиббиёт ходимлари ушбу ўзаро таъсирларни ҳисобга олишлари керак. ЖЦ фонидида ЎП бўлган беморларда диагностика муаммолари кўриб чиқилди ва ЎП самарали даволаш учун қўлланиладиган терапевтик стратегиялар ўрганилди.



## ХОТИМА

Жигар циррозининг ўткир панкреатитнинг патофизиологиясига таъсири кўп қиррали. Ўзгарган иммунитет реакциялари, гемодинамик ўзгаришлар, умумий яллиғланиш медиаторлари ва метаболик оқибатлар биргаликда мураккаб муносабатларга олиб келади. Жигар циррози бор беморларда ўткир панкреатитни ташхислаш ва даволашда мутахассислар ушбу ўзаро таъсирларни ҳисобга олишлари керак. Илмий ишда ушбу комбинацияланган ҳолатга хос бўлган диагностика муаммолари кўриб чиқилди ва жигар циррози шароитида ўткир панкреатитни самарали даволаш учун қўлланиладиган даволаш стратегиялари ўрганилган.

Илмий иш Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро Давлат тиббиёт институти “хирургик касалликлар ва реанимация” кафедраси клиник базасида (РШТЎИМ Бухоро филиали I-II шошилинич жарроҳлик бўлимлари) бажарилган.

Касаллик классификацияси охири ва кенг тарқалган классификация Атланта 2012 бўйича олиб борилган.

Охири 2012 йилда қайта кўриб чиқилган Атланта таснифи ва халқаро консенсус таърифига кўра, ЎПнинг оғирлиги қуйидаги уч даража сифатида белгиланади: енгил ЎП, ўрта оғир ЎП ва оғир ЎП.

Бунга асосан ўрта оғирликдаги беморлар назорат ва асосий гуруҳларда мос равишда 105(87,5%) ва 108(84,4%) ташкил қилди, оғир ҳолатда келган беморлар назорат ва асосий гуруҳларда мос равишда 15(12,5%) ва 20(15,6%) ташкил қилган.

I-назорат гуруҳ беморларнинг 90(75%) ва II-асосий гуруҳ беморларнинг 91(71%) ЎП нинг шишли формаси ривожланди. Жами иккала гуруҳда шишли форма 181(73%) ташкил қилди. Стерил панкреонекроз назорат гуруҳида 18(15%), асосий гуруҳда 15(12,5%) ташкил қилган бўлса, жами иккала гуруҳда 33(13,3%) ташкил қилди. Инфицирланган панкреонекроз ЖЦ бўлмаган биринчи гуруҳда 12(10%) ташкил қилган бўлса,

асосий ЖЦ бор беморларда 22(17,2%) ташкил қилди. Жами иккили гуруҳда 34(13,7%) ташкил қилди.

Асосий гуруҳ беморларнинг 52(41%) дан ортиғи жарроҳлик шифохонасига ётқизилган пайтда анамнезидан жигар касалликлари билан касалланганлигини билмаган ва текширишлар давомида аниқланган бўлса, катта қисми 76(59%) касаллик борлигини билган ва олдин даволанган.

Жигар циррози фонида ривожланган беморлар ҳам икки кичик гуруҳларга бўлинган: компенсацияланган цирроз ва декомпенсацияланган циррозларга ажратилган.

ЖЦ билан касалланган 32 беморлар (25%) Чайлд-Пью А, 51 беморларда (40%) Чайлд-Пью В ва 45 беморларда (35%) Чайлд - Пью С ни ташкил қилди.

Асосий гуруҳнинг барча беморлари (n=128) ЎП асоратлари ва жигар функционал бузилишлари бўйича Чайлд - Пью шкаласи бўйича бўлинган.

Олдимишга қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида клиник текширув деярли барча беморларда даволашдан олдин ва кейинги даврларда қўидаги клиник ва биокимёвий таҳлил натижалари ўрганилган.

Асосий гуруҳда 48(37,5%) бемор ЖЦ борлигидан хабардор эди, 80(62,5%) беморларда биринчи марта жигар паренхимасининг ҳар хил даражадаги ўзгаришлари аниқланган.

II гуруҳдаги беморларда ултратовуш ва МРПХ текширишининг ўтказилиши ва хулосаси: спленомегалия асосий гуруҳ 121(95%) беморда борлиги аниқланган.

ЖЦга шубҳа қилинган ҳолларда МРПХГ дан фойдаланиш ўт йўлларида илгари ултратовуш ёрдамида аниқлаб бўлмайдиган кичик ва кўп ўт тошларини аниқлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЎП ва ЖЦнинг биргаликда келиши алоҳида эътибор талаб қиладиган ноёб клиник ҳолат ҳисобланади. Ушбу касалликлар ўртасидаги ўзаро таъсир ташхисни мураккаблаштириши, иккала касалликнинг оғирлигини кучайтириши ва даволаш стратегиясига сезиларли

таъсир кўрсатиши мумкин. ЎП ва ЖЦ ўртасидаги мураккаб муносабатларни тушуниш беморларни самарали даволаш учун жуда муҳимдир. Клиник жиҳатдан ЖЦ бор беморларда ЎП ривожланиши кўпроқ ўт тош касаллиги сабаб бўлиши кўринди. Иккала касаллик учун этиологик сабаб бўлган спиртли ичимликлар, ҳар иккала ҳолатни ҳам оғирлаштириши кўринди. ЎПнинг ЖЦ фонида ривожланганда, беморларда ичак парезининг ривожланиши ва ичак етишмовчилиги, ичакнинг барьер функциясининг бузилиши сабабли, микроорганизмларнинг қонга транслокацияси ва инфицирланган панкреонекроз ривожланиши кўпроқ бўлиши кўринди.

Бизнинг фикримизча, ЎДПда ҚИБ ошиши ялиғланиш жараёнининг махсус кўриниши сифатида кўриб чиқилиши мумкин. ООБ ва қорин орти соҳаси тўқималарида кучли ялиғланиш, панкреас атрофидаги тўқималарнинг шишиши билан қорин бушлиғида перитонеал суюқликнинг шаклланиши ва юқори даражада ривожланган ичак парези ва умумий висцерал шиш, шунингдек кўп миқдорда инфузион терапия ҚИБ босимининг ошишига олиб келади. ҚИБ кескин ошиши натижада, тўқималарда ишемия ва кучайиб бораётган микроциркулятор бузилишларга олиб келади.

Иккала гуруҳ беморларда ичак парези ва ИЕС ривожланиши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. ЎП шишли формасида ИЕС I - гуруҳ беморларида 22(16%), II - гуруҳ беморларида 35(38,4%) та беморда ривожланди, 2 баравар ҳолда ривожланди. Стерил панкреонекрозга ўтган беморларнинг I - гуруҳдаги 18(15%) бемордан 7(43%) тасда, II - гуруҳ беморларнинг 15(11,7%) тасидан 12(80%) тасида ИЕС ривожланди. Бу ҳолатлар асосий гуруҳ беморларида кутилиши мумкин бўлган асоратларга қарши профилактик даволашга қарамасдан ривожланиш давом этди.

Инфицирланган панкреонекроз касаллигининг 2 ҳафта охирларидан бошланиб, I- гуруҳ беморларида 12(10%)тасидан 8(66%) тасида ривожланган бўлса, II - гуруҳ беморларида 22(17,2%) тасидан 18(82%) тасида ривожланди.

Клиник натижаларни таҳлили қилганимизда шу нарса кўриндики, иккала гуруҳда ҳам ИЕС беморларда касаллик болашишидан 2-3 суткаларда

бошланди. Назорат гуруҳи беморларида ИЕС, асосий гуруҳга нисбаттан қариб 2 барабар камроқ ривожланганлигини кўришимиз мумкин, умумий назорат гуруҳидаги беморлар (120 бемордан) ичидан 37(30,8%) тасида, асосий гуруҳ беморлар (128) ичидан 65(50,7%) беморда ривожланди. Бунга асосий сабаб эндотоксикоз ривожланиши билан бирга ушбу гуруҳ беморларда ЖЦ нинг турли даражада ривожланганлигини кўрсатишимиз мумкин

ИЕС асосий гуруҳ беморларда ўтказилган чора тадбирларга қарамасдан, умумий беморлар сонидан (n=128) Чайлд-Пью С класс функционал ҳолатидаги беморларда 41(32%) ИЕС ривожланганлиги, Чайлд - Пью класс В ҳолатда 17(13,3%), Чайлд - Пью класс А 7(5,5%) беморда ривожланганлиги кўринади. Асосий гуруҳ беморларида ИЕС профилактикаси мақсадида ўтказилган чора тадбирлар натижасида, назорат гуруҳида 37(30,8%) беморда ривожланган бўлса, асосий гуруҳ беморларининг Чайлд – Пью А класс беморларда 7(5,5%) тасида ривожланди.

Иккала гуруҳ беморларининг жами 248 та бемор даволанган бўлса, шулардан назорат гуруҳидаги беморларнинг 21(17,5%) тасида оператив ёндашув, асосий гуруҳнинг 23(18%) турли хилдаги оператив амалиётлар бажарилди.

Назорат гуруҳида операция қилинган беморлар: 10(8,3%) - ЛХЭЖ. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш; 7 (5,8%) беморда - Лапаратомия. ТХЭЖ. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш. Кер бўйича холедохостомия; 4(3,3%) беморда – Лапаратомия. Чарви халтаси ва қорин орти сохасини дренажлаш, тампонлаш ва қонаётган томирларни тикиш, программалаштирилган лапаратом санациялаш операциялари ўтказилган.

Асосий гуруҳида операция қилинган беморлар: 17 (13,3%)- ЛХЭЖ. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш; 2(1,5%) - Лапаратомия. ТХЭЖ. Қорин бўшлиғи ва чарви халтасини дренажлаш. Кер бўйича

холедохостомия; 4 (3,1%)– Лапаратомия. Чарви халтаси ва қорин орти соҳаси абсцессини дренажлаш, тампонлаш ва қонаётган томирларни тикиш, программалаштирилган лапаратом санациялаш операциялар ўтказилди.

Назорат гуруҳида: касалликнинг бошланғич шишли босқичида панкреатоген шокдан 4(3,3%) бемор, стерил панкреонекроз ҳолатида 11 (9,1%) бемор (ЎЮҚТЕ 2 та бемор, гепаторенал синдром 4 та, ферментатив перитонит ПОЕ 5 та бемор) вафот этди. Инфицирланган панкреонекроз даврида яъни касалликнинг 3-4 ҳафталарида 6(5%) та бемор (йирингли перитонит ва сепсисдан 4 ва парапанкреатик клетчатка йирингли яллиғланиши қон томирлардан аррозив қон кетишдан 2 та) бемор вафот этди.

Асосий гуруҳида: касалликнинг бошланғич шишли формасида панкреатоген шокдан 3(2,3%) бемор, стерил панкреонекроз ҳолатида 8 (6,2%) та бемор (буйрак-жигар етишмовчилигидан 5 ва ЎЮҚТЕ 3 та бемор) вафот этган. Инфицирланган панкреонекроз даврида яъни касалликнинг 3-4 ҳафталарида 12(9,3%) бемор (йирингли перитонит ва сепсисдан 7, парапанкреатик клетчатка йирингли яллиғланиши қон томирлардан аррозив қон кетишдан 2, ҚВВҚ кетишдан 3 та) вафот этди.

Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида фон касаллиги ЖЦ бўлсада, гуруҳлардаги асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари статистик жиҳатдан бир хил кўринишга эга бўлди. Гарчи бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатадики, шифохонага ётқизилган ЎП билан беморлар орасида, ЖЦ бўлган беморларда стационар ўлим даражаси юқорироқ бўлган бўлсада, бунга асосий сабаб ЎП асоратлари эмас балки ЖЦ декомпенсация ҳолати бўлади.

ЖЦнинг ЎП патофизиологиясига кўп қиррали таъсири мавжуд. ЖЦ

бўлган беморларда ЎПни ташхислаш ва даволашда тиббиёт ходимлари ушбу ўзаро таъсирларни ҳисобга олишлари лозим. ЖЦ фонида ЎП бўлган беморларда диагностика муаммолари кўриб чиқилиб, ЎПни самарали даволаш учун даволаш стратегиялар ўрганилди ва амалиётга тадбиқ қилинди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу-Зидан Ф.М., Бонэм М.Дж.Д., Виндзор Дж.А. Тяжесть острого панкреатита: многофакторный анализ маркеров окислительного стресса и модифицированных критериев Глазго // Британский журнал хирургии. - 2000. - №87(8). - С.1019–1023.
2. Акоюн В.С. Клинико-морфологические изменения печени у больных с острым заболеванием органов брюшной полости при хронической алкогольной интоксикации. Дисс...канд. мед. наук. - М. – 2001.-С.100.
3. Александров Д.А., Громов М.С., Стецюк О.А., Татауров А.В. Дифференцированная хирургическая тактика при деструктивном панкреатите // Хирургия. - 2002. - №11. - С.58-62
4. Александрова И.В., Первакова Э.И., Васина Э.И., Рей С.И. Комплексная экстракорпоральная коррекция печеночной недостаточности // 5-ая международная конференция Актуальные аспекты экстракорпорального очищения крови в интенсивной терапии. - Москва. - 2006. - С34-35.
5. Алимхажиев А.С. Прогноз острого панкреатита на основе интегральной оценки эндотоксикоза.: Дисс.канд. мед. наук ГОУВПО «Воронежская государственная медицинская академия» (ГОУВПО «ВГМА»). - 2005. – С.83.
6. Ан Б.О., Ким Х., Ли Г. Влияние таурина на вызванный церулеином острый панкреатит у крыс // Pharmacology. – 2001. - № 63. - С.1-7.
7. Андреев Г.Н., Ибадильдин А.С. Результаты лапароскопических вмешательств при осложненном циррозе печени // Тезисы докладов 1-го Всероссийского съезда по эндоскопической хирургии. - Москва 1998. - С. 3.
8. Андреев Г.Н., Ташев И.А., Апельбаум Л.С. Диагностика и лечение хронических диффузных заболеваний печени // В.Новгород: Виконт. - 2003. - С.162.
9. Андреев Г.Н., Ташев И.А. Эндохирургическая коррекция циррозов печени // Клиническая медицина: межвуз. сб. - Алматы. - 1998. - С.62-64.
10. Андрющенко Л.В., Куновский В.В., Андрющенко В.П. Клинические и патоморфологические проявления синдрома недостаточности кишечника в

течение острого некротического панкреатита // Харювська хірургі На школа. - 2010. - № 3 (41). - С. 5-7.

11. Андрищенко В.П., Андрищенко Д.В., Когут Л.М. Антисекреторна терапія в комплексному аікуванні гострого панкреатиту: доцільність та засоби реалізації // медицина неотложных состояний. - 2013. - № 6 (53). - С. 71-74

12. Арипов У.А., Арипова Н.У., Магруппов Б.А., Исмаилов У.С., Матмуродов С.К. Литогенность желчи у больных желчнокаменной болезнью с различными морфологическими изменениями в ткани печени // Хирургия. - 2002. - №2. - С. 21-22.

13. Багненко С.Ф., Толстой А.Д., Краснорогов В.Б. Острый панкреатит (Протоколы диагностики и лечения). – 2004.-С.98.

14. Барквист Э., Киртон О., Виндзор Дж. Влияние антиоксидантной и спланшно-направленной терапии на стойкий некоррегированный уровень рН слизистой оболочки желудка у пациента с тяжелыми травмами // Травматологическая помощь Inf Grit Care. – 1998. - №44. - С.355 - 60.

15. Бебуришвили А.Г., Михин С.В., Спиридонов Е.Г. Клинические эффекты сандостатина и октреотида в хирургической практике // Хирургия. - 2002. - №10. - С.50-52.

16. Белокуров С. Ю, Могутов М.С., Потапов М.П., Якубова Р.Р. Постнекротические кисты поджелудочной железы и их осложнения // Под ред. Ю.Н.Белокурова. - Ярославль: ТПУ. - 2003. –С. 224.

17. Благостов Д.А., Хватов В.Б., Упырев А.В., Гришин Г.П., Новосел С.Н. Комплексное лечение острого панкреатит и его осложнений // Хирургия. – 2004. - № 5. - С. 68-75.

18. Бобров О.Е. Острый послеоперационный панкреатит. - Киев: изд. Феникс. - 2000. –С.171.

19. Боженков Ю.Г., Щербюк А.Н., Шалин С.А. Практическая панкреатология // Руководство для врачей. - Москва. - 2003. –С. 211.



20. Бондарев Г. А. Комплексное хирургическое лечение панкреонекроза. Автореф. Дис... д-ра мед. Наук. - 2005. – С.44.
21. Бонэм М., Абу-Зидан Ф.М., Симович М.О. Раннее истощение запасов аскорбиновой кислоты связано с тяжестью острого панкреатита // BrJ Surg. – 1999. - № 86. - С.1296-301.
22. Борисов А.Е., Кубачев К.Г., Луговой А.Л. Хирургическая тактика при сочетании осложненных форм желчнокаменной болезни и вирусного гепатита // Актуальные вопросы хирургии, травматологии и ортопедии: сб. науч. тр. - Владимир. - 1999. - С. 31 - 35.
23. Бражник Т.Б., Гельфанд Б.Р., Филимонов М.И. Клиническая значимость прокальцитонина для диагностики системной воспалительной реакции и сепсиса при остром панкреатите // Инфекция в хирургии: Материалы Всероссийской конференции хирургов 3-5 октября 2001г. - Ставрополь: изд. СГМА. - 2001. - С.54-55.
24. Брискин Б.С. Полиорганная недостаточность или полиорганная несостоятельность как проявление системной реакции организма // Вестник хирургии. - 2001. - Т.160. - №4. - С.108-109.
25. Брискин Б.С., Рыбаков Г.С., Терещенко Г.В. Значение КТ в определении тактики лечения острого панкреатита: тез. докл IX Всероссийский съезд хирургов. – Волгоград. – 2000. - С. 20-21.
26. Брискин Б.С., Рыбаков Г.С., Халидов О.Х. Диагностика и хирургическое лечение острого панкреатита // Международный медицинский журнал. - 2000. - №4. - С.76-79.
27. Брискин Б.С., Рыбаков Г.С., Халидов О.Х., Суплотова А.А. Принципы рационального диагностического и лечебного алгоритма у больных с деструктивным панкреатитом // Диагностика и лечение гнойных осложнений панкреонекроза: Матер, городской научно-практической конференции. – М. - 2000. - С.9-16.
28. Брискин Б.С., Рыбаков Г.С., Халидов О.Х., Этапные операции из малых доступов при гнойных осложнениях острого панкреатита // Актуальные

проблемы современной хирургии.: Труды международной конференции хирургов. - М. - 2003. - С.95.

29.Брискин Б.С., Туманов В.П., Акопян В.С., Соломенцев Я.В., Береговая Н.Я. Диагностическое значение лапароскопии и пункционной биопсии при выявлении алкогольного поражения печени у хирургических больных // Российский журнал гастроэнтерологии, гепатологии, колопроктологии. Приложение №9. - Т. X. Материалы V российской конференции «Гепатология сегодня». - М. – 2000. - С. 85.

30.Брискин Б.С., Халидов О.Х., Багдатьяев В.Е. с соавт. Протокол ведения больных с деструктивным панкреатитом в фазу ферментной токсемии в отделении реанимации и интенсивной терапии // Актуальные вопросы анестезиологии и реаниматологии. Сборник научных трудов. - 2005. - Часть 1. - С.21-23.

31.Букатко В.Н. Хирургическое лечение острого панкреатита с использованием электромагнитного излучения миллиметрового и светового диапазонов.: Дисс. доктора мед. наук. - М. - 2004. – С.305.

32.Бякин С.П. Селективные и комбинированные эфферентно-квантовые трансфузиологические операции в хирургии.: Автореф. дисс. д-ра. мед. наук. – Спб. - 1999. – С.43.

33.Вашетко Р.В., Толстой А.Д., Курыгин А.А. Острый панкреатит и травмы поджелудочной железы // Руководство для врачей. - С-Пб. - 2000. – С.309.

34.Винник Ю.С. Острый панкреатит: патогенез, клиника, лечение (экспериментально-клиническое исследование). Автореф. дисс. докт. мед. наук. – Красноярск. - 2000. – С.38.

35.Власенко Н.И. Результаты хирургического лечения травм поджелудочной железы. Автореф. дисс...канд. мед. наук. –Ярославль. - 2002. – С.22.

36.Власов А. П., Шибитов В. А., Гераськини В. С. // Фундаментальные исследования. - 2012. - № 2.- С. 271-275.

37. Габриелян Н.И., Липаткова В.И., Опыт использования показателя средних молекул в крови для диагностики нефрологических заболеваний у детей // Лабораторное дело. - 1084. - №3. - С.138-140.
38. Гаин Ю.М., Леонович С. И., Алексеев С.А. Синдром энтеральной недостаточности при перитоните: теоретические и практические аспекты, диагностика и лечение. Минск: Молодечно. – 2001. - С.266.
39. Галимова, С.Ф., Надинская М.Ю., Маевская М.В. Хронический гепатит В: факторы риска и лечение // Клинические перспективы гастроэнтерологии, гепатологии. - 2001. - №4. - С.2 - 6.
40. Гельфанд Б.Р. Инфузионно-трансфузионная терапия в клинической медицине. - М. - 2009. – С.256.
41. Гольцов В.Р. «Обрывающее» лечение острого деструктивного панкреатита на ранней стадии заболевания (клиникоэкспериментальное исследование)/ Автореф. дисс. канд. мед. наук. - СПб. - 2000. –С. 21.
42. Гостищев В.К., Сажин В.П., Авдовенко А.Л. Перитонит // М. ГЭОТАР – МЕД. - 2002. – С.240.
43. Гуманенко Е.К., Немченко Н.С., Бояринцев В.В., Гаврилин С.В. Нарушения в системе гемостаза при тяжелых ранениях и травмах: диагностика и лечение. - СПб. - 2006. –С. 96.
44. Данилов М.В. Острый панкреатит: Клиника, диагностика и лечение. // Врач. - 2003. - №5. - С.17-19.
45. Данилов М.В., Федоров В.Д. Повторные и реконструктивные операции при заболеваниях поджелудочной железы // М. Медицина. - 2003. – С.424.
46. Двойное В.Г. Аффферентная терапия в комплексном лечении острого панкреатита (клинико-экспериментальное исследование). Автореф. дисс.канд. мед. наук. - С.-Пб. - 2001. –С.18.
47. Демолс А., Ван Летем Дж. Л., Квертинмони Е., и др. N-ацетилцистеин уменьшает тяжесть острого панкреатита у мышей // Поджелудочная железа. – 2000. - №20. - С.161-9.

48. Дибиров М.Д., Рамазанова Ю.И., Юанов А.А., Газимагомедов М.Р. Профилактика и лечение венозного тромбоза и тромбоэмболии легочной артерии после операций на органах живота. Бюллетень НЦ ССХ им. А.Н. Бакулева РАМН. - М. – 2009. - С. 141.
49. Дибиров М.Д., Родионов И.Е., Газимагомедов М.Р., Саидова П.М., «Профилактика тромбозов и тромбоэмболии при экстренной хирургической патологии» // Ангиология и сосудистая хирургия. -2009. - №2. - С. 108-109.
50. Дибиров М.Д., Рыбаков Г.С., Кузнецов М.А., Просперов М.А., Абдуллаев У.М., Михайлин А.А. Комплексное лечение больных с острым панкреатитом в зависимости от фазы развития заболевания // Хирург. - 2007. - №10. - С.17.
